

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ

«ТЕХНИКА» ФАКУЛЬТЕТИ
«ИҚТИСОДИЁТ» КАФЕДРАСИ

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
«ТЕХНИКА» факультети
декани К.Қосимов

«__»____ 2012й.

«ҲИМОЯГА ҚЎЙИЛДИ»
«Иқтисодиёт» кафедраси
муdiri Н.Халилов

«__»____ 2012й.

**“Ишсизлик муаммолари ва уларни ҳал этиш
йўллари”**

МАВЗУСИДАГИ

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

БАЖАРДИ: “Иқтисодиёт” йўналиши битирувчиси Мамажонов Дилафруз.

ИЛМИЙ РАҲБАР: и.ф.н. Исроилова Д.К.

МАСЛАҲАТЧИЛАР: 1.И.ф.н , доцент Зуфарова Г.А.

2. Катта ўқитувчи Болтабоева Л.Р.

ТАҚРИЗЧИЛАР: 1. Андижон вилояти “Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза
қилиш” бошқармаси бошлиғи Юсуфов С.

2. Асака тумани бандликка кўмаклашиш ва ижтимоий
муҳофаза қилиш маркази директори Мирзаев Ш.

АНДИЖОН-2012й.

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ
«ТЕХНИКА» факультети, «ИҚТИСОДИЁТ» кафедраси,
«ИҚТИСОДИЁТ» йўналиши 1-гуруҳ

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
«Иқтисодиёт» кафедраси
муdiri Н.Халилов

20.12. 2011й.

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ

Талаба: Мамажонов Дилафруз Тўлқинжоновна.

1.Битирув малакавий ишининг мавзуси: “Ишсизлик муаммолари ва уларни ҳал этиш йўллари” 5-сонли 5 декабрь 2011й. кафедра мажлисида маъқулланган.

2.Битирув малакавий ишни топшириш муддати: “_____” июнь 2012й.

3.Битирув малакавий ишни бажаришга доир бошланғич маълумотлар:
Андижон вилояти “Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш” бошқармасининг уч йиллик статистик маълумотлари, илмий мақолалар ва тезислар.

4.Хисоблаш-тушунтириш ёзувларининг таркиби (ишлаб чиқиладиган масалалар рўйхати):

I боб. Ишсизлик муаммолари ва уларни ҳал этишнинг назарий асослари

II боб. Ўзбекистон Республикаси ва Андижон вилоятида мавжуд ишсизлик ҳолати тахлили

III боб. Ўзбекистон иқтисодиётида мавжуд ишсизлик муаммоларини ҳал этиш йўллари

5.Чизма ишлар рўйхати (номи аниқ кўрсатилади)

2.1.1-жадвал. Ўзбекистон Республикасида иш билан таъминлашга муҳтож бўлган аҳоли сони динамикаси.

2.1.1-расм. Ўзбекистон Республикасида аҳолининг ишсизлик даражаси

2.1.5-жадвал. 2010 йилда ишсизлик кўрсаткичлари ва меҳнат бозоридаги танглик.

6. Битирув малакавий иши бўйича маслаҳатчи(лар)

№	Бўлим мавзуси	Маслаҳатчи ўқитувчи ф. и. ш.	Имзо, сана	
			Топширик берилди	Топширик бажарилди
1	Кириш	Исроилова Д	15.12.2011й	05.01.2012й
2	Ишсизлик муаммолари ва уларни ҳал этишнинг назарий асослари	Исроилова Д Болтабоева Л	06.01.2012й	25.02.2012й
3	Ўзбекистон Республикаси ва Андижон вилоятида мавжуд ишсизлик ҳолати тахлили	Исроилова Д	27.02.2012й	14.04.2012й
4	Ўзбекистон иқтисодиётида мавжуд ишсизлик муаммоларини ҳал этиш йўллари	Исроилова Д Зуфарова Г	16.04.2012й	30.04.2012й
5	Хулоса	Исроилова Д	02.05.2012й	21.05.2012й

7. Битирув малакавий ишининг бажариш режаси

№	Битирув малакавий иши босқичларининг номи	Бажариш муддати (сана)	Текширувдан ўтганлик белгиси
1	Бозор муносабатлари шароитида меҳнат бозоридаги ишсизлик ва уни камайтириш муаммолари	10.01.2012й	
2	Ишсизликнинг келиб чиқиш сабаблари, турлари, асосий мезонлари ва кўрсаткичлари	17.01.2012й	
3	Ишсизлик ва меҳнат муносабатларидаги мавжуд муаммолар манбалари	25.02.2012й	
4	Меҳнат бозорида ишсизлик ва иш билан бандлик ҳолати тахлили	14.03.2012й	
5	Иш билан таъминлашга муҳтож бўлган аҳолига кўрсатилаётган хизматлар ва унинг тахлили.	14.04.2012й	
6	Жаҳон мамлакатларида ишсизлик даражаси ва меҳнат бозори ҳолатининг ижтимоий-иқтисодий тахлили	18.04.2012й	
7	Мамлакат аҳолисини ишсизликдан ҳимоялаш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш	30.04.2012й	
8	Кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва сервис соҳасини ривожлантириш билан ишсизликни камайтириш истикболлари	19.05.2012й	

Битирув малакавий иши раҳбари: Исроилова Д. _____

Топширикни бажаришга олдим: Мамажоновна Д _____

Топширик берилган сана: 15 декабрь 2011йил

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	5
-------------------	----------

1-БОБ. ИШСИЗЛИК МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Бозор муносабатлари шароитида меҳнат бозоридаги ишсизлик ва уни камайтириш муаммолари.....	8
1.2. Ишсизликнинг келиб чиқиш сабаблари, турлари, асосий мезонлари ва кўрсаткичлари.....	15
1.3. Ишсизлик ва меҳнат муносабатларидаги мавжуд муаммолар манбалари.....	24

2-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА АНДИЖОН ВИЛОЯТИДА МАВЖУД ИШСИЗЛИК ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

2.1. Меҳнат бозорида ишсизлик ва иш билан бандлик ҳолати таҳлили.....	33
2.2. Иш билан таъминлашга муҳтож бўлган аҳолига кўрсатилаётган хизматлар ва унинг таҳлили.....	41
2.3. Жаҳон мамлакатларида ишсизлик даражаси ва меҳнат бозори ҳолатининг ижтимоий-иқтисодий таҳлили	48

3-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИДА МАВЖУД ИШСИЗЛИК МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

3.1. Мамлакат аҳолисини ишсизликдан ҳимоялаш бўйича кўрилаётган чоратadbирлар самарадорлигини ошириш.....	59
3.2. Кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва сервис соҳасини ривожлантириш билан ишсизликни камайтириш истиқболлари.....	70

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....	80
---------------------------------	-----------

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	84
---	-----------

ИЛОВАЛАР	88
-----------------------	-----------

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган чуқур ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, амалга оширилаётган ислохотлар мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида ўзининг кўзга кўринарли ижобий самарасини бераётгани сир эмас. Аммо шуни ачиниш билан айтиш лозимки, мамлакатда ишсизлик даражасининг мавжудлиги, агар иқтисодиётга давлатнинг аралашуви камайтирилса у янада ортиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Зеро, Президент И.А. Каримов таъкидлаб ўтганидек, “...Худудий бандлик дастурларининг амалга оширилиши натижасида яратилган 1 миллионга яқин иш ўрнининг 68 фоиздан кўпроғи қишлоқ жойларда ташкил этилди. Таъкидлаш жоизки, янги иш ўринларининг 64 фоиздан ортиғи кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик ривожини рағбатлантиришни янада кучайтириш, уларга янги имтиёзлар бериш, 28 фоиздан зиёди эса янги корхоналар ташкил этиш, касаначиликнинг турли шакллари кенгайтириш ҳисобига амалга оширилди¹”.

Ишсизлик – бу, бозор иқтисодиётининг ажралмас хусусиятидир. Шундай экан мамлакатда аҳолининг иш билан бандлигини оширишда, ишсизликни камайтириш, аҳоли даромадларини ошириш, аҳоли турмуш даражасини кўтариш ва меҳнат ресурсларини янгиланиб боришини рағбатлантиришда меҳнат бозорининг ушбу хусусиятини чуқур илмий ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳукуматнинг худудий даражадаги ишсизликни камайтириш ва бандлик сиёсати стратегик ва тактик мақсадларни ўз ичига олиши керак. Чунки, ҳар бир худуддаги ижтимоий-иқтисодий вазият ҳар хил бўлади ва ушбу нуқтаи назардан, уларнинг ҳар бирига мос бандлик ва янги иш ўринларини яратиш

¹2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” маърузасидан.–Тошкент: Ўзбекистон, 2012 й, “Халқ сўзи” 1- 2б.

бўйича чора-тадбирлар қўллаш керак. Бунинг учун албатта ҳудудлардаги бошқарув органларининг ушбу соҳага янада кўпроқ эътиборни таъминлашлари керак.

Шу билан бирга ишсизлик даражаси, уни ҳудудий ва тармоқлараро мавжудлиги, уни камайтириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш давр талабидир.

Битирув малакавий ишининг мақсади – Ўзбекистон Республикаси ва Андижон вилояти ҳудудларидаги ишсизлик муаммоларини ҳал этишга қаратилган.

Ушбу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги **асосий вазифаларни** бажариш лозим:

- Ишсизлик муаммолари ва уни камайтиришнинг назарий асосларини ёритиш;
- Ишсизликнинг юзага келиш сабабларини илмий асослаш;
- Ишсизлик ва меҳнат муносабатларидаги мавжуд муаммоларнинг манбаларини аниқлаш;
- Ўзбекистон Республикаси ва Андижон вилояти меҳнат бозорида ишсизлик ва иш билан бандлик ҳолати таҳлилини амалга ошириш;
- Жаҳон мамлакатларида ишсизлик даражаси ва меҳнат бозори ҳолатини таҳлил қилиш;
- Мамлакат аҳолисини ишсизликдан ҳимоялаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш йўллари аниқлаш;
- Ўзбекистон шароитида ишсизлик муаммолари ва уни камайтириш бўйича мавжуд имкониятларини очиб беришдан иборат.

Битирув малакавий иши объекти – Ўзбекистон Республикаси ва Андижон вилоятида ишсизлик ҳолатлари таҳлили.

Битирув малакавий иши предмети – Ўзбекистон Республикаси ва унинг ҳудудларида ишсизлик ҳолати ва уларни камайтириш муаммолари ўрганилган.

Битирув малакавий ишининг назарий ва услубий асослари – Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари ва меҳнат бозори, аҳолининг иш билан бандлиги ва ишсизлик бўйича ватанимиз ва хорижий иқтисодчи олимларнинг илмий ишлари ҳисобланади.

Мазкур тадқиқотда ушбу муаммолари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, меъёрий ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Статистика Давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг маълумотларидан ҳамда Интернет саҳифаларидан олинган маълумотлардан унумли фойдаланилди.

Битирув малакавий иши таркибий тузилиши. Ишнинг таркиби, унинг мақсади ва вазифаларига мувофиқ: кириш, мавзунинг асосий мазмуни ва моҳиятини ифодаловчи саккизта саволдан иборат учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

I БОБ. ИШСИЗЛИК МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИ ХАЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Бозор муносабатлари шароитида меҳнат бозоридаги ишсизлик ва уни камайтириш муаммолари

Ишсизлик муаммоларини илмий ўрганмасдан меҳнат бозори ва ижтимоий-меҳнат муносабатларини тўла тасаввур этиб бўлмайди. Ишсизлик – бу, бозор иқтисодиётининг ажралмас хусусиятидир.

Шундай экан, ишсизлик муаммосини ўрганишдан асосий мақсад - аҳолининг иш билан бандлигини ошириш орқали мамлакат ишлаб чиқаришини кенгайтириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга алоқадор тадбирлар ишлаб чиқишдан иборат. Хусусан, Президент Ислам Каримов ушбу масалада алоҳида тўхталиб ўтиб, “аҳолини иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал қилишда ҳам жиддий сифат ўзгаришлари кўзга ташланмоқда. Биз учун ўта долзарб бўлган бу масалани ечишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш билан бирга, хизмат кўрсатиш соҳаси ва касаначиликнинг турли шакллари кенг жорий этиш, қишлоқ жойларда чорвачиликни ривожлантиришни рағбатлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. ... Албатта, иш ўринлари сонини кўпайтиришда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш ва кенгайтириш муҳим ўрин тутди²” – дея таъкидлаб ўтган.

Дарҳақиқат, жамиятдаги ишсизлик даражасини пасайтириш учун қўшимча иш жойларини яратиш, уларни ишга тушириш аҳолининг табиий ўсишидан орқада қолмаслиги керак. Қолаверса, жаҳон ҳамжамияти билан уйғун ҳолда ижтимоий-иқтисодий муносабатларни жадал ривожлантириб бориш лозим.

Маълумки, Хитой ва Ҳиндистон дунё ҳамжамияти давлатлари ўртасида аҳолисининг жадал ўсиб бораётганлиги билан ажралиб туради. Республикамиз аҳолиси сони эса ҳар йили ўртача 550-600 минг кишига, меҳнатга лаёқатли

² Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А. Каримов. –Тошкент: Ўзбекистон, 2009. -56б. 24-25-бетлар.

аҳоли сони эса 250-300 минг кишига кўпаймоқда. Бундай вазият ўз навбатида аҳолининг иш билан бандлигини ошириш ва ишсизликни камайтириш борасида узлуксиз тадқиқот олиб боришни тақозо этмоқда. Бунинг учун эса ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги иш жойларини яратиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарур. Акс ҳолда, ишсизлар сонининг ортиб бориши аҳолининг турмуш даражасининг пасайишига олиб келади. Шу нуқтаи - назардан авваламбор, ишсизлик тушунчаси ва унинг мазмунини чуқурроқ ўрганмоғимиз лозим. Чунки, мавжуд муаммоларни олдини олишдан олдин, уни мунтазам ва чуқур илмий ўрганиш - давр талабидир.

Одатда, жаҳон мамлакатлари ишсизлик тушунчасини БМТ, Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ХМТ), Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш жамияти талабларига кўра ишлаб чиқишади. Халқаро меҳнат ташкилотининг 13-конвенцияси таърифига биноан «ишсиз шахслар» деганда, - иш жойларига эга бўлмаган, ишлашга тайёр ва иш излаётган фуқаролар тушунилади. Мана шу асосий шартларга риоя қилган ҳолда, турли мамлакатларда фуқарони ишсиз шахс деб эътироф этиш учун қўшимча шартлар талаб қилинади.

Масалан, Америка Қўшма Штатларида сўнгги бир ҳафта мобайнида иш билан банд бўлмаган, сўнгги тўрт ҳафта давомида ишга жойлашишга (бевосита иш берувчига ёки иш билан таъминлаш давлат хизматига мурожат этиш орқали) ҳаракат қилган, меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлган фуқаролар ишсиз шахс деб эътироф этиладилар³.

Японияда ишсиз шахс деб сўнгги бир ҳафта давомида бир соат ҳам ишламаган, Буюк Британияда эса, сўнгги бир ҳафта мобайнида ишламаган, шу давр мобайнида иш қидирган ёки касаллиги туфайли иш қидириш имкониятига эга бўлмаган фуқаролар тушунилади.

Айрим малакатларнинг қонун ҳужжатларига биноан ишсиз деб, ишдан бўшатиш ва меҳнат стажига эга бўлганлар тушунилади.

³Манба:Интернет тармоғининг <http://www.ilo.org> ва <http://www.indexmundi.com> веб-сайтлари маълумотларидан олинди

Ишсиз шахс деб эътироф этиш учун қуйидаги тўртта шарт мавжуд бўлиши лозим.

Биринчи шарт – фуқаро меҳнатга қобилиятли бўлиши ва амалдаги қонун ҳужжатларига биноан пенсия таъминоти ҳуқуқига эга бўлмаслиги керак. Ҳуқуқий жиҳатдан меҳнат қилиш қобилиятининг қуйи даражаси, «Меҳнат кодекси»нинг 77-моддасига мувофиқ 16 ёш деб белгиланган.

Иккинчи шарт – фуқаро ишга ва иш ҳақиға (меҳнат даромадига) эга бўлмаслиги лозим.

Учинчи шарт – фуқаро ишлашга тайёр бўлиши лозим. Фуқаронинг ишлашга тайёр эканлиги, унинг маҳаллий меҳнат органига иш қидириб расимй мурожаат қилиши, белгиланган муддатларда меҳнат органида қайтадан рўйхатдан ўтиб туриши ва меҳнат органлари томонидан таклиф қилинган мақбул ишни қабул қилиш ҳолатлари тасдиқлайди.

Тўртинчи шарт – фуқаро барча тегишли ҳужжатларни тақдим қилган ҳолда маҳаллий меҳнат органида иш қидирувчи шахс сифатида рўйхатдан ўтиши лозим.

Ишсизлик тушунчасига аниқлик киритиб, шуни таъкидлаш керакки, ишсизлар – булар шундай кишиларки, улар меҳнат бозорида ўз хизматларини фаоллик билан таклиф қиладилар, иш қидирадилар, бу нарса иш билан бандликнинг иқтисодий муносабатларини тартибга солишда давлат томонидан ҳисобга олиниши даркор.

Ишсизлик даражаси (N) даврнинг боши (ёки охири)даги аҳволға кўра тегишли санада ишсизлик мақомиға эга бўлган кишилар сонининг (И) ана шу санадаги иқтисодий фаол аҳоли сонига (ИК ёки ИФА) нисбати сифатида аниқланади:

$$N = I/ИК*100\%$$

Ишсизлик даражаси кўпчилик мамлакатларда иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим ижтимоий омилларида бири сифатида қаралади.

Бизга маълумки, ишсизликни расмийлаштиришнинг ўз меъёри ва қоидалари мавжуд. Бу халқаро мезонларга ҳам тўла мос келади. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 январдаги “Аҳолининг иш билан таъминланганлигини ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган “Меҳнат ресурслари балансини тузиш ва ишга жойлаштиришга муҳтож шахсларни аниқлаш методикаси”да бу ҳақда аниқ белгилаб қўйилган. Унга кўра “пул ёки натурада тақдирлаш учун ёлланиш бўйича ҳафтада камида 2 соат мобайнида иш бажарган шахслар, шунингдек ўз фаолияти учун тақдирланиши ёки даромад олиши муддатидан қатъий назар фойда ёки оилавий даромад олиш ёлланмаган тарзда иш бажарувчи шахслар” иш билан таъминланган ҳисобланадилар⁴.

Бу ҳисоблаш методикасига Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 майдаги №106 сонли “Ишга жойлашишга муҳтож иш билан банд бўлмаган аҳолини ҳисобга олиш методикасини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори билан ўзгартиришлар киритилди.⁵ Бу ўзгартиришлар меҳнат бозоридаги вазиятни ҳолисона баҳолаш, ишга жойлашишга муҳтож меҳнат билан банд бўлмаган аҳолининг амалдаги сонини халқаро стандартларга мувофиқ аниқлаш, иш билан бандликни таъминлаш юзасидан чора тadbирлар ишлаб чиқиш мақсадида 2007 йил 1 июлдан амалга киритилди.

Меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштиришда алоҳида имтиёзлар кўзда тутилган. “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонуннинг 7-моддасида айнан шу нарсалар кўзда тутилган. Унга биноан, давлат “ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда

⁴Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳолини иш билан таъминланганлигини ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори. 2002 й 31 январь 42-сон.

⁵Вазирлар Маҳкамасининг “Ишга жойлашишга муҳтож меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини ҳисобга олиш методикасини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори. 2007 й. 24 май. 106-сон.

қийналадиган ва меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган шахсларга, жумладан, 14 ёшга тўлмаган болалари ва ногирон болалари бор ёлғиз ота, ёлғиз оналарга, ҳамда кўп болали ота-оналарга, таълим муассасаларини тамомлаган ёшлар, қуролли кучлар, ички ишлар вазирлиги, миллий хавфсизлик хизмати ва фавқулодда вазиятлар вазирлиги қўшинларидан бўшатирилганлар, ногиронлар ва пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар жазони ижро этиш жойларидан озод этилганлар ёки суд қарори билан тиббий йусиндаги мажбурлов чораларига тортилган шахсларга қўшимча кафолатларни” таъминлайди.

Қўшимча кафолатлар деганда қўшимча иш жойлари, ихтисослаштирилган корхоналар, иш ўргатишнинг махсус дастурларини ташкил этади, корхона, муассаса ва ташкилотларга мазкур тоифадаги фуқароларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам миқдорини белгилаш, шунингдек Қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа чоралар тушунилади.

Мазкур масала ҳам бундан буён жойлардаги маҳаллий ҳокимиятларнинг квоталари асосида ёшларнинг айрим қатламларини иш билан таъминлаш шу жумладан, янги иш жойларини яратиш бўйича фаолиятини жадаллаштиришни талаб қилади.

Иш билан бандликнинг кескин камайиши иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар (давлат секторининг камайиши), инфляция ҳамда хўжалик юритишнинг муқобил шакллари (хусусий корхоналар, ҳиссадорлик жамиятлари) етарлича тез ўсмаганлиги туфайли кўпгина корхоналарда молиявий аҳвол ёмонлашуви натижасида юзага келади. Буларнинг ҳаммаси, табиийки, умумий талаб ҳажмида салбий акс этади: давлат таъсири қисқаради, инвестиция фаолияти сустлашади, истеъмол харажатлари эса инфляция таъсирида турмуш даражасининг ёмонлашуви туфайли бирмунча камаяди.

Демак, Ўзбекистонда ишсизлик ўсишининг асосий сабаби – энг аввало ишлаб чиқаришнинг қисқаришидир. Иқтисодий ўсиш динамикаси билан ишсизлик ўртасидаги алоқа узвий боғлиқ кўрсаткичлардир.

Қоидага кўра, ғарб иқтисодчилари иқтисодий ўсиш суръатларини аҳоли иш билан бандлигининг ўсиш суръатлари билан, таназзулни эса ишсизлик даражасининг ўсиши билан боғлайдилар. Ҳақиқатдан ҳам, индустриал турдаги нормал ишлаётган бозир иқтисодиётида иқтисодий ўсиш доимо тармоқларнинг ривожланиши ва кенгайишини, демак, иш билан бандликнинг ортишини англатади. Шундай бўлсада, ривожланаётган мамлакатларда бундай боғлиқлик кўзга очик ташланмайди. Масалан, кўпгина ривожланаётган мамлакатларда саноатнинг тез ўсиши иш билан бандликнинг мувофиқ кенгайишини келтириб чиқармади. Иқтисодчилар бу ҳодисани саноатдаги ўсиш суръатларидан анча юқори бўлган урбанизация суръатлари ҳамда қишлоқдан шаҳарга кўчиб келаётган аҳоли малакасининг пастлигида деб изоҳлайдилар⁶.

Аҳолининг иш билан бандлик динамикаси, ЯИМ билан ишсизлик ўртасидаги бевосита алоқанинг тасдиқланмаслиги дастлабки қарашда мантиқан зид ҳодисадир. Иккита далил кишини ҳайратга солади: биринчидан, ишсизликни ЯИМнинг ўсишига қиёсан илгариларчи қисқариши; иккинчидан, иш билан бандликнинг камайиши билан бирга ишсизликнинг қисқариши.

Республикамизда ишсизликнинг пайдо бўлиш сабабларига кўра қуйидаги асосий турлари кўпроқ учрайди:

- яширин, бу асосан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш тармоқлари учун характерлидир ва бу ҳақиқий иш кучини камроқ миқдорда талаб қилади. Амалда ишсизликнинг яширин шакли фақат иқтисодий эмас, шу билан бирга сиёсий хусусиятга ҳам эгадир. Яширин ишсизлик ишлаб чиқаришнинг чуқур таназзули шароитида корхоналарда ортиқча бандликнинг сақланиб қолганлигидан далолат беради;

- мавсумий, маълум бир мавсумда иш билан бандликни таъминловчи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларни қайта ишлаш ва тайёрлаш муддати билан асосланган. Уни нормал ишсизлик жумласига киритиш мумкин. Мавсумий ишсизликнинг ҳажми ишчи кучига бўлган талаб

⁶Холмўминов Ш.Р., Шоюсупова Н.Т., Холмуротов С.Э. «Меҳнат бозори иқтисодиёти» (Маърузалар матни) – Т.: ТДИУ, 2006. – 323б. 72-75 бетлар.

ва таклиф мавсумий омилларининг баравар таъсир қилиши сифатида намоён бўлади;

- технологик ўзгарувчан, бу шакли масалан, фан - техника ютуқлари натижасида қўл меҳнати ўрнини машина эгаллаши натижасида юзага келади;

- таркибий, иқтисодиётнинг янги тармоқлари пайдо бўлиши ёки эскисига барҳам берилиши ва мулкчилик шакллариининг ўзгариши билан юзага келади ⁷.

Хусусан, жаҳон иқтисодиётининг инқироздан чиқиши йўлида пайдо бўлаётган муаммоларни таҳлил қилганда, биринчи навбатда, ўсиш суръатларининг беқарор ва паст даражада экани, ишсизликнинг юқори даражада сақланиб қолаётгани, иқтисодиёт реал сектори молиявий аҳволининг сезиларли равишда ёмонлашаётгани ва аҳоли реал даромадларининг пасайиши ҳақида гапиришга тўғри келади⁸.

Бозор муносабатлари шароитида аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Чунки, ишсизлик муаммосининг мавжудлиги бозор иқтисодиётининг ажралмас хусусиятидир. Шундай экан, ишсизлик муаммосини ўрганишдан асосий мақсад – аҳолининг иш билан бандлигини ошириш орқали мамлакат ишлаб чиқаришини кенгайтириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга алоқадор тадбирлар ишлаб чиқишдан иборат.

⁷Холмўминов Ш.Р., Шоюсупова Н.Т., Холмуротов С.Э. «Меҳнат бозори иқтисодиёти» (Маърузалар матни) – Т.: ТДИУ, 2006. – 323б. 74-77 бетлар.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгаши 43-йиллик мажлисининг очилиш маросимидаги нутқи. – Тошкент: Халқ сўзи газетаси, 2010 йил 4 май, №86 (5001) – сони. 1-бет.

1.2. Ишсизликнинг келиб чиқиш сабаблари, турлари, асосий мезонлари ва кўрсаткичлари

Иқтисодчи олимлар ўртасида оммавий ишсизликнинг ҳақиқий сабаблари қандайлиги тўғрисида турлича қарашлар мавжуд.

Маълумки, Ж.М.Кейнс «...ишсизликнинг давоси сифатида иш ҳақини пасайтириш ғоясини қатъий инкор этиб, ўзига инвестициялар, давлат харажатлари ва соф экспортдан ташқари истеъмол харажатларини – бунда ҳам сўнгги – умумий талабнинг асосий қисмини ҳам қамраб оладиган умумий талабдан келиб чиқади».

Фикримизча, Ўзбекистонда ишсизликнинг пайдо бўлиши ва ўсиш тарихи айнан Кейнс қарашларининг тўғрилигини исботлайди. Ишсизлар расмий рўйхатга олингандан бошлаб, ишсизлик даражаси маълум даражада мунтазам ортиб боради, ишга жойлаштириш қанчалик юқори бўлса, ишсизлик даражаси шунчалик паст бўлади.

Иш билан бандликнинг кескин камайиши иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар (давлат секторининг камайиши), инфляция ҳамда хўжалик юритишнинг муқобил шакллари (хусусий корхоналар, ҳиссадорлик жамиятлари) етарлича тез ўсмаганлиги туфайли кўпгина корхоналарда молиявий аҳвол ёмонлашуви натижасида юзага келади. Буларнинг ҳаммаси, табиийки, умумий талаб ҳажмида салбий акс этади: давлат таъсири қисқаради, инвестиция фаолияти сустлашади, истеъмол харажатлари эса инфляция таъсирида турмуш даражасининг ёмонлашуви туфайли бирмунча камаяди.

Демак, Ўзбекистонда ишсизлик ўсишининг асосий сабаби – энг аввало ишлаб чиқаришнинг қисқаришидир. Иқтисодий ўсиш динамикаси билан ишсизлик ўртасидаги алоқа узвий боғлиқ кўрсаткичлардир.

Қоидага кўра, ғарб иқтисодчилари иқтисодий ўсиш суръатларини аҳоли иш билан бандлигининг ўсиш суръатлари билан, таназзулни эса ишсизлик даражасининг ўсиши билан боғлайдилар. Ҳақиқатдан ҳам, индустриал турдаги нормал ишлаётган бозир иқтисодиётида иқтисодий ўсиш доимо тармоқларнинг

ривожланиши ва кенгайишини, демак, иш билан бандликнинг ортишини англатади. Шундай бўлсада, ривожланаётган мамлакатларда бундай боғлиқлик кўзга очик ташланмайди. Масалан, кўпгина ривожланаётган мамлакатларда саноатнинг тез ўсиши иш билан бандликнинг мувофиқ кенгайишини келтириб чиқармади. Иқтисодчилар бу ҳодисани саноатдаги ўсиш суръатларидан анча юқори бўлган урбанизация суръатлари ҳамда қишлоқдан шаҳарга кўчиб келаётган аҳоли малакасининг пастлигида деб изоҳлайдилар.

Аҳолининг иш билан бандлик динамикаси, ЯИМ билан ишсизлик ўртасидаги бевосита алоқанинг тасдиқланмаслиги дастлабки қарашда мантиқан зид ҳодисадир. Иккита далил кишини ҳайратга солади: биринчидан, ишсизликни ЯИМнинг ўсишига қиёсан илгарилар қисқариши; иккинчидан, иш билан бандликнинг камайиши билан бирга ишсизликнинг қисқариши.

Фикримизча, бу ҳодисаларни фақат статистик хатоликлар ва ишсизлик мақомини бериш шартларининг мураккаблашуви билан изоҳлаб бўлмайди. Кўринишидан яхши бўлган иқтисодий ўсиш кўрсаткичларидан иш билан бандликнинг камайишини иккита сабаб билан изоҳлаш мумкин:

Биринчидан, яширин ишсизликнинг юқори даражаси сақланганлиги, у ўз потенциалини хатто айрим барқарорлик шароитларида ҳам очик бозорга чиқариб туради.

Иккинчидан, яширин иш билан бандликнинг кўпайиши, у ишчи кучи ва ишсизларнинг сезиларли қисмини очик меҳнат бозоридан тортиб туради.

Республикамизда мавжуд ишсизлик ва унинг салбий оқибатлари қуйидаги

1.2.1-расмда ўз ифодасини топган.



1.2.1-расм.Ишсизликнинг сабаб ва оқибатлари.

Республикада ишсизликнинг пайдо бўлиш сабабларига кўра қуйидаги асосий турлари кўпроқ учрайди:

- *яширин*, бу асосан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш тармоқлари учун характерлидир ва бу ҳақиқий иш кучини камроқ миқдорда талаб қилади. Амалда ишсизликнинг яширин шакли фақат иқтисодий эмас, шу билан бирга сиёсий хусусиятга ҳам эгадир. Яширин ишсизлик ишлаб чиқаришнинг чуқур таназзули шароитида корхоналарда ортиқча бандликнинг сақланиб қолганлигидан далолат беради;
- *мавсумий*, маълум бир мавсумда иш билан бандликни таъминловчи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларни қайта ишлаш

ва тайёрлаш муддати билан асосланган. Уни нормал ишсизлик жумласига киритиш мумкин. Мавсумий ишсизликнинг ҳажми ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф мавсумий омилларининг баравар таъсир қилиши сифатида намоён бўлади;

- *технологик ўзгарувчан*, бу шакли масалан, фан - техника ютуқлари натижасида қўл меҳнати ўрнини машина эгаллаши натижасида юзага келади;
- *таркибий*, иқтисодийнинг янги тармоқлари пайдо бўлиши ёки эскисига барҳам берилиши ва мулкчилик шакллариининг ўзгариши билан юзага келади.

Ишсизликнинг ижтимоий - иқтисодий мазмуни, сабаблари ва турлари назарий асосланиши ишсизлик ҳолатининг мезонлари ва кўрсаткичлари очиқ берилишини тақозо қилади. Чунки ишсизликнинг асосий мезонлари ва кўрсаткичлари меҳнатга лаёқатли аҳоли оқилона бандлигини шакллантиришни тартибга солишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Ишсизлик ҳолатининг демографик, ижтимоий, иқтисодий ва бошқа жиҳатлари қуйидаги **мезонларда** ўз аксини топади: ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасида бозор мувозанатига эришиш; ишчи кучи таклифини камайтириш; иш жойларини кўпайтириш; иқтисодий фаол аҳолининг меҳнатда иштирокини ошириш; кадрлар малакаси, сафарбарлиги ва рақобатбардошлигини ошириш; аҳолининг меҳнат даромадларини кўпайтириш ва бошқалар.

Мазкур мезонлар қуйидаги ишсизлик **кўрсаткичлари** ёрдамида аниқланади:

- мавжуд ва янги яратилган иш жойларининг сони;
- бажарилган иш вақтининг миқдори;
- аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулотнинг ҳажми;
- маҳаллий ва жалб этилган меҳнат ресурсларининг сони;
- ижтимоий инфратузилма хизматларининг ҳажми;
- ўртача йиллик иш ҳақи;
- ҳар бир аҳолининг уй-жой билан таъминланиши;
- меҳнат ресурсларининг малака ва маълумот даражаси;

- саноат корхоналаридаги асосий фондлардан фойдаланишнинг сменалик коэффициенти;
- ижтимоий ишлаб чиқаришда иш билан банд бўлмаган шахслар ва ишсизлик сони ҳамда уларнинг нафақа миқдори;
- меҳнатнинг умумий натижаларидан ва ижтимоий инфратузилма хизматларидан қаноатланиш даражаси;
- мулкчиликнинг турли шакллари ва меҳнатни ташкил қилишнинг самарадорлиги ва ҳоказолар.

Юқорида қайд этилган мезонлар ва кўрсаткичлардан ишсизлик ҳолатини таҳлил қилиш ва истиқболлаштиришда ҳамда унинг турли кўринишлари миқдорларини аниқлашда фойдаланиш мумкин.

Бизнингча, ишсизликнинг турли шакллари қуйидагича аниқланади.

А) Яширин ишсизлик:

$$И_{яш}(t) = R_{хк}(t) - R_{ни}(t), \quad (1.)$$

Бу ерда: $R_{хк}(t)$ – ҳақиқий банд бўлган ишловчилар сони (хк), минг киши;
 $R_{ни}(t)$ – иш билан банд бўлиши зарур бўлган норматив ишловчилар сони(ни), минг киши.

Б) Мавсумий ишсизлик:

$$И_{мав}(t) = R(t) + R_{мав}(t), \quad (2.)$$

Бу ерда: $R_{мав}(t)$ - қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш ва аҳолига хизмат кўрсатишнинг қизғин даврида мавсумий иш билан банд, меҳнатга лаёқатли шахслар сони, минг киши.

В) Технологик ишсизлик:

$$И_{тех}(t) = R_{олд}(t) - R_{кей}(t), \quad (3.)$$

Бу ерда: $R_{олд}(t)$ ва $R_{кей}(t)$ – янги техника ва интенсив технологияни қўллашдан олдин (олди) ва кейин (кей) иш билан банд бўлган ишловчилар сони, минг киши;

Г) Таркибий ишсизлик:

$$I_{\text{тар}}(t) = (R_{\text{иж.олд.}}(t) - R_{\text{иж.кей}}(t)) + (R_{\text{хх.олд.}}(t) - R_{\text{хх.кей}}(t) + \\ (R_{\text{хк.олд.}}(t) - R_{\text{хк.кей}}(t)) + R_{\text{кк.олд.}}(t) - R_{\text{кк.кей}}(t), \quad (4.)$$

Бу ерда: $R_{\text{иж.олд.}}(t)$ ва $R_{\text{иж.кей}}(t)$ – мулкчиликнинг ижара шаклини қўллашдан олдин ва кейин иш билан банд бўлган ишловчилар сони, минг киши;

$R_{\text{хх.олд.}}(t)$ ва $R_{\text{хх.кей}}(t)$ – хусусий хўжаликлар пайдо бўлгандан олдин ва кейин иш билан банд ишловчилар сони, минг киши;

$R_{\text{хк.олд.}}(t)$ ва $R_{\text{хк.кей}}(t)$ – ҳиссадорлик корхоналари пайдо бўлгандан олдин ва кейин иш билан банд ишловчилар сони, минг киши;

$R_{\text{кк.олд.}}(t)$ ва $R_{\text{кк.кей}}(t)$ – қўшма корхоналар пайдо бўлгандан олдин ва кейин иш билан банд ишловчилар сони, минг киши.

Меҳнат потенциалидан фойдаланишнинг ижтимоий - иқтисодий самарадорлигини ошириш кўпроқ ишсизлик даражасига боғлиқ ва бу хориж ва ўзбек иқтисодий адабиётларида турлича аниқланади. Масалан, япон статистикасида ишсизлик даражасининг (И) иккита усул амал қилади:

$$1) \quad I = \frac{\text{ишсизлар сони}}{\text{ёлланма ишчилар} + \text{ишсизлар}} \quad (5)$$

$$2) \quad I = \frac{\text{ишсизлар сони}}{\text{иш билан бандлар} + \text{ишсизлар}} \quad (6)$$

Бошқача ёндашишда эса ишсизлик нормаси ишсизлар сонини ($I_{\text{нор}}$) меҳнатга лаёқатли аҳоли сонига нисбатан (А) бўлиш орқали аниқланади:

$$I_{\text{нор}} = I / A * 100\% \quad (7)$$

Биринчи ёндашишнинг асосий камчилиги шундаки, ишсизлик нормасининг бўлинувчиси сифатида барча ишчи кучининг миқдори эмас, балки иш билан банд ишловчилар сони танланган.

Бошқача ёндашишда эса ишсизлик нормасини характерлашда меҳнатга лаёқатли аҳоли сони нотўғри фойдаланилган. Чунки меҳнатга лаёқатли аҳолининг барчаси иш жойларида талабга эга бўлавермайди.

Бизнингча, ишсизлик даражасини ишсизлар сонини иқтисодий фаол аҳоли сонига бўлиш орқали аниқлаш лозим:

$$И = \frac{\text{ишсизлар сони}}{\text{иқтисодий фаол аҳоли сони}} * 100\% \quad (8)$$

Ишсизлик даражасининг табиий миқдори қанча бўлиши мумкин, деган масала устида иқтисодчилар жуда кўп фикр билдирадилар, лекин бирор мамлакатда унинг аниқ миқдори белгиланган эмас. Масалан, АҚШда ишсизлар сонининг табиий даражаси 1960 йилларда 4-6% га кўтарилди. Инфляция даражаси юқори бўлган даврдаги ишсизлик даражаси табиий меъёрий ҳолат деб ифодаланиб, ишлаб чиқаришнинг потенциал имконияти билан боғлиқликда бўлади. Агар бандлик юқори бўлиб, ишлаб чиқаришда ҳам кўп бўлса, спиралсимон инфляция юзага келади.

Ишсизлик даражаси доимо нолдан юқори бўлади, чунки ихтиёрий ва таркибий ишсизлик у ёки бу кўринишда мавжуд бўлади. Лекин ишсизликнинг табиий даражаси инфляциянинг кучайишини тўхтатиб туради.

Ҳозирга вақтда ривожланган мамлакатларда табиий ишсизлик даражаси куйидаги **сабабларга** кўра ортиши мумкин:

1. Меҳнатга ўсмирлар, аёлларнинг жалб этилиши.
2. Давлатнинг иқтисодий сиёсати ишсизларга кам маош тўлайдиган ишларга ёлланмасдан узок муддат юқори иш ҳақи тўлайдиган ишни кидириш имконини беради. Ҳозирги вақтди кўпчилик мамлактларда ишсизларга 16 дан 26 ҳафтагача олаётган энг сўнгги иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида ишсизлик

нафақаси тўланади ва солиқлардан озод этилади, натижада улар иш ҳақининг 60-70 фоизи миқдорида пул ола бошлайдилар.

3.Таркибий ишсизликнинг кучайиши ишсизлик табиий даражасининг ўсишига олиб келади. Масалан, қишлоқ хўжалигининг сустривожланиши.

Амалда ишсизлик табиий даражасининг энг мақбул миқдори йўқ. Ҳали ҳеч ким иқтисодиёт учун энг мақбул ишсизлик даражасини исботлашга эришгани йўқ. Аксинча, айрим ҳисоблардан кўринадики, ялпи миллий маҳсулотнинг юқори даражада ўсиши ишсизликнинг табиий даражасини пасайтиради.

Аммо у мақбул миқдордан юқори бўлиб қолаверади. Чунки, ялпи миллий маҳсулот ишлаб чиқариш ўз имконият даражасига етмаган бўлади. Ялпи миллий маҳсулотни потенциал даражасига ўстириш эса ҳаддан ташқари иқтисодий фаровонликка олиб келади ва оқибатда инфляция кучайиши мумкин.

Қуйидаги **тадбирлар** ишсизлик табиий даражасига эришишга бевосита таъсир кўрсатиши мумкин:

- аҳолини мавжуд иш ўринлари ҳақида хабардор этишни яхшилаш;
- мутахассислар тайёрлашни такомиллаштириш;
- ишсизларни давлат томонидан ҳамоялаш даражасини кучайтириш.

Халқаро меҳнат ташкилоти стандарти бўйича табиий ишсизлик даражаси 1,5 – 2,5% ни ташкил этади.

Ишсизлик даражасининг табиий миқдори қанча бўлиши мумкин, деган масала устида иқтисодчилар жуда кўп фикр билдирадилар, лекин бирор мамлакатда унинг аниқ миқдори белгиланган эмас. Масалан, АҚШда ишсизлар сонининг табиий даражаси 1960 йилларда 4-6% га кўтарилди. Инфляция даражаси юқори бўлган даврдаги ишсизлик даражаси табиий меъёрий ҳолат деб ифодаланиб, ишлаб чиқаришнинг потенциал имконияти билан боғлиқликда бўлади. Агар бандлик юқори бўлиб, ишлаб чиқаришда ҳам кўп бўлса, спиралсимон инфляция юзага келади.

Ишсизлик даражаси доимо нолдан юқори бўлади, чунки ихтиёрий ва таркибий ишсизлик у ёки бу кўринишда мавжуд бўлади. Лекин ишсизликнинг табиий даражаси инфляциянинг кучайишини тўхтатиб туради.

Америкалик иқтисодчи олим Артур Оукен нотабий ёки даврий ишсизликнинг салбий таъсирга эга эканлигини математик ҳолда исботлаб берди. А.Оукен қонунига кўра, ишсизликнинг табиий даражаси 1 фоизга ошганда ялпи миллий маҳсулот 2,5 фоизга камаяди⁹.

Аҳолини иш билан бандлиги таркиби шаклланишида илмий-техник тараққиётнинг ўрни ҳам катта. Аҳолини самарали равишда иш билан таъминлаш тизимини ривожланиши замирида ишлаб чиқаришининг ўсиши ва ҳар бир банд одамнинг самарали ишлашининг ўсиши ётади. Бироқ, ишчиларнинг тажриба ва маҳорат даражасини оширмай туриб меҳнат унумдорлигини ошириб бўлмайди. Миллий иқтисодиётдаги маҳоратли ишчиларнинг қанчалик кўп бўлиши, шунчалик меҳнат унумдорлигини ва турли хизмат ва маҳсулотларнинг кўп бўлишини англатади. Иқтисодиётнинг ривожланишини аниқловчи асосий омил бугунги кунда ишчи кучининг сифатидир.

⁹Холмўминов Ш.Р., Шоюсупова Н.Т., Холмуротов С.Э. «Меҳнат бозори иқтисодиёти» (Ўқув қўлланма) – Т.: ТДИУ, 2006. – 323б. 78-79 бетлар.

1.3. Ишсизлик ва меҳнат муносабатларидаги мавжуд муаммолар манбалари.

Кучайиб бораётган рақобатчилик ҳамда глобал иқтисодий интеграция ва технология жараёни бирлашган кучларининг натижаси бўлган иқтисодий ўзгаришлар миллий ишчи кучининг катта сегментларида иш билан бандликни сақлаб қолишда беқарорлик ва қийинчиликларга олиб келиши мумкин. Шу билан бирга улар иқтисодий ўсиш ва иш билан бандликни кенгайтириш учун янги имкониятларни таъминлаб бermoқда. Мамлакат ихтиёридаги ишчи кучининг малака даражаси ва сифати вужудга келаётган имкониятлардан фойда чиқариб олиш ҳамда тез амалга ошаётган технологик трансформация ва янада очикроқ иқтисодиётга ўтиш чоғида ижтимоий чиқимларни камайтириш учун муҳим омил бўлиши мумкин. Шу сабабли давлатнинг глобал тамойилларидан илғор иқтисодиёт тармоқларини жадал ривожлантиришда фойдаланишга ва ички бозор эҳтиёжларини қондираётган тармоқларни ҳимоя қилишга қаратилган пухта ўйланган ижтимоий-иқтисодий сиёсати зарур.

Кейинги йилларда малакали ишчи кучига бўлган талаб анча ошди. Бу ҳол глобаллашув, технологик ўзгаришлар ҳамда меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар натижаси бўлди. Бу учала омил бир-бири билан чамбарчас боғланиб кетади. Бу эса ишчи кучининг малакасини оширишга ва касбга тайёрлашга инвестиция киритишнинг аҳамияти ўсишига олиб бermoқда. Касбга тайёрлаш тизимларидаги ҳозирги тараққиёт эҳтиёжларини ҳисобга олувчи ўзгаришлар давр талабига мос жавоб бўлиши керак.

Таълимни ривожлантиришга ва кадрлар малакасини оширишга инвестициялар киритишнинг тобора кучайиб бораётган аҳамияти, ХМТнинг жаҳонда иш билан бандлик тўғрисидаги охирги маърузасида айтилганидек, беш асосий омил билан белгиланади:

1.Сиёсий эркинлашиш ва кенгайиб бораётган демократиялаш таълимнинг ролини кучайтирди. У фуқароларга ўз ҳуқуқларини ва мажбуриятларини

англайдиган тўлақонли жамият аъзолари сифатида фаолият кўрсатиш имконини бермоқда;

2. Жадал кечаётган технологик ўзгаришлар таълим ва касбга тайёрлашнинг мазмунан янада бойроқ бўлишига муҳтож, одам бутун меҳнат ҳаёти мобайнида узлуксиз таълим олишининг муҳимлигини кучайтирмоқда;

3. Глобал иқтисодиётнинг кучайиб бораётган интеграцияси, таълим ва касбга тайёрлаш тизимларининг ўзаро яқинлашуви миллий иқтисодиётлар янада байналмилал, рақобатбардош ва самарали иқтисодиётга айланишининг муҳим таркибий қисмидир;

4. Айрим аҳоли гуруҳларининг ижтимоий ажралишига сабаб бўлаётган омилларнинг аҳамиятини англаш таълим ва малакани оширишнинг ижтимоий-иқтисодий нозорликни енгиллаштиришдаги роли кучайишига олиб бормоқда;

5. Иқтисодий потенциални кучайтириш воситаси сифатида қийинчиликларни тугатиш йўли билан меҳнат бозорининг самарадорлигини ошириш мумкин.

Ишсизлик, меҳнат муносабатлари, уларни давлат томонидан тартибга солиш, олдини олиш муаммоларини ўрганишнинг тарихий илдизлари XVIII асрга бориб тақалади. Ишсизлик ва уни давлат томонидан тартибга солиш муаммосини биринчи бўлиб 1894 йилда Огайо штатидаги тадбиркор Джекоб Кокси кўтариб, давлат томонидан бандликни қўллаб-қувватловчи дастурларни қўллашни таклиф қилди. Унинг режасида давлат ишсизларни ҳимоя қилиши ва маълум миқдорда нафақа бериши керак эди. Лекин унинг фикри АҚШ Конгресси томонидан қўллаб-қувватланмади. Фикри маъқулланмаган Кокси 1894 йил 25 мартда тарихда биринчи марта ишсизлардан иборат “Кокси Армияси” тузади ва Вашингтонга йўл олади. Лекин бу ҳаракат давлат томонидан бостирилади. Фақатгина, 1930 йилларга келиб буюк инқироздан кейингина давлат бу муаммога жиддий қарайди ва ишсизликка қарши, бандликни қўллаб қувватловчи дастурлар ишлаб чиқади. Чунки, ишсизлик даражаси шу йиллари 15 фоиздан ҳам ошиб кетган эди. 2010-2011 йилларга

келиб Америкада ишсизлик даражаси 8,0 фоизни ташкил этди, чунки мамлакат жаҳон молиявий иқтисодий инқирозини салбий таъсирларидан хали ҳам қутулгани йўқ. Бу мамлакатда кишилар иш ўринларини йўқотса, ўзлари фаол иш қидиришга ҳаракат қиладилар. Американинг ҳар бир штатида аҳоли бандлиги ва ишсизларга ёрдам бўйича ўзининг Қонунлари амал қилади. Улар ишсизлик нафақаларини Федерал ва штат фондларидан тўлайдилар.

Ҳозирги кунда тажрибали мутахассисга, уларнинг маҳоратини оширишга сарфланадиган харажатлар бутунлигича инсоний харажатлар сифатида қаралмоқда. Унга тўла асос билан ишчилар соғлиғини таъминлашга сарфланадиган харажатлар ҳам кириб кетади. Кузатишларга қараганда, АҚШдаги ишчиларни тажрибали мутахассис ишчилар гуруҳига киритиш учун ишчи камида ўрта мактабда таҳсил олган бўлиши керак. Яна маълумотларга асосланадиган бўлсак, 30 та оммалашиб бораётган мутахассисликлар орасида 2/3 қисмидан кўпроғи ҳамда шу 30 та касб эгаларининг ярми 1990 йилда ўрта таълим муассасаларида таҳсил олган.

Т.Шульц Америкадаги инсоний заҳиралар инвестициясига сон жиҳатдан биринчилардан бўлиб баҳо берган. Охирги 40 йил ичида таълимга инвестиция киритиш 20 баробарга ошган ва 1997 йилда бюджетдан таълимга ажратилган сарфлар 450 млрд. доллар атрофида бўлган. Мутахассисларнинг малакаси ва тажрибасини оширишга қаратилган инвестиция жисмоний капиталга киритилган инвестициядан 3 баробарга кўп бўлган (440 млрд. доллар). Бундан ташқари, инсоний ресурсларга бюджетдан таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминотга жами 1 трлн. долларга яқин маблағ сарфланган¹⁰.

Инсоний капиталга бўлган инвестиция ҳажмининг ўсиши ЯИМ ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш билан чамбарчас боғлиқ. Америка иқтисодчиларининг ҳисоб китобига қараганда, 1890 йилда ЯИМ нинг 50% - хом-ашё, минерал ва энергетик заҳираларига тўғри келган ва 100 йилдан кейин уларнинг ЯИМдаги улуши 10,0% дан ҳам ошмаган.

¹⁰Манба: Интернет тармоғининг <http://www.ilo.org> ва <http://www.indexmundi.com> веб-сайтлари маълумотларидан олинди

Илмий-техник тараққиёт XX асрда ижтимоий ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсишни самарали ошишининг асосий манбаи бўлган. Шунини таъкидлаш керакки, илмий-техник тараққиёт у ёки бу кўринишида меҳнат унумдорлигининг ўсишида намоён бўлади. Бу омилларнинг таъсирини АҚШ миллий даромади ўсишининг учдан бири илмий-техник тараққиёт омилига тўғри келганлиги билан тушунтириш мумкин. Европанинг ривожланган мамлакатлари ва Япония урушдан кейинги 10 йилликда иқтисодий ўсишга илмий-техник тараққиёт ҳисобига, меҳнат ва капитални самарали жорий қилиш натижасида эришган.

Аксинча, XX асрнинг иккинчи ярми тарихида ривожланган мамлакатларда табиий бойликларни, меҳнатни кўшимча равишда жалб қилиш натижасида давомли иқтисодий ўсишга доир мисолларни учратмаймиз. Қанчалик миқдорда у ёки бу омилни кўпроқ киритилиши, шунчалик унинг тақдирланишини белгилайди. Бошқача қилиб айтганда, бу иш билан бандлик таркибининг трансформациясидир. Ушбу мисолда, иқтисодий тармоқларда, тармоқлар ичида, банд бўлганларнинг фаолиятида таркибий ўзгаришларга олиб келувчи иш билан бандликнинг қайта тузилиши жараёни сифатида эътироф этилган.

Меҳнатга нисбатан мукофот сифатида иш ҳақи белгиланади. Юқори даражадаги иш ҳақи фирмалар фаолиятида айна ресурснинг ижобий таъсирини уйғотади ва бу иш ҳақи минимал меҳнат харажатлари билан ишлашга олиб келади. Демак, шунини таъкидлаб ўтиш мумкинки, ишчи кучини тежаш, иш ҳақини тежаш дегани эмас. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, ўтиш даври иқтисодиёти шароитида қатор мамлакатларда аҳолининг иш билан бандлиги таркиби ўзгармоқда. Ўтиш даври иқтисодиёти режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтаётган иқтисодий тизимдир. Бундай тизимда иқтисодий ўсиш барқарор ёки барқарор бўлмаслиги мумкин. Мисол тариқасида, Хитойда сўнгги 20 йил ичида иқтисодий пасайиш кузатилмади ва бозор иқтисодиётига ўтиш босқичма-босқич амалга ошди. Аммо, «шок терапиясини» қўллаган мамлакатларда иқтисодий пасайиш юз берди, таркибий ўзгаришлар эса иқтисодий пасайиш шароитида амалга ошди. Демак, ўтиш даври иқтисодиётида аҳолининг иш

билан бандлик таркибининг шаклланиши иқтисодий ўсиш ҳисобига эмас, балки ишлаб чиқаришнинг мутлақ янги шароитга мослашиши билан тавсифланади¹¹.

Ўзбекистон борган сари кўпроқ жаҳон хўжалигининг бир қисмига айланмоқда. Бинобарин, Ўзбекистон глобаллашув жараёнларидан четда туриши мумкин эмас. Бу борада икки нуқтаи назар мавжуд:

1. Чет эл сармояси ва хорижий инвестициялар мамлакатимизнинг жаҳон хўжалигига янада кўпроқ интеграциялашувига олиб боради ва бу муқаррар жараёндир.

2. Глобаллашув миллий иқтисодиётни путурдан кетказди ва ишсизликнинг ўсишига олиб келади. Равшанки, ижтимоий масъулиятга асосланган ягона давлат стратегияси ишлаб чиқилмоғи керак. Бу стратегия, бир томондан, мамлакатнинг рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқара оладиган корхоналарини қўллаб-қувватлашга, иккинчи томондан, имтиёзли шароитларда ишлаётган корхоналар мамлакатнинг истеъмол бозорида сифатга зарар келтириб, чиқарилаётган маҳсулотнинг миқдор кўрсаткичларини афзал деб билмасликларига қаратилган бўлмоғи керак. Шу сабабли оқилона миқдорда импорт қилинадиган товарлар рақобати ҳам бўлмоғи керак.

Компьютерлаштиришнинг янги босқичи, глобал Интернет тармоқлари, телекоммуникациялар ҳозирнинг ўзидаёқ иқтисодиётни ривожлантиришнинг янги босқичига, янги иш жойлари, янги касблар пайдо бўлишига олиб келди. Ходимларнинг малакасига муносабатининг ўзини ҳам ўзгартириб, асосий эътиборни уларнинг касбий шайлигига ва мослашувчанлигига қаратди. Навбатдаги муаммолар меҳнатни ташкил этишнинг фаол, юқори малакали ходимларга қаратилган, янги шаклланишга ўтишдан иборатдир. Бунда глобаллашув даврида мамлакатни ижтимоийи қтисодий ривожлантириш бозор иқтисодиётининг ҳозирги стандартларини ҳам, ўзбек халқининг тарихий анъаналари ва меҳнат соҳасидаги маънавий-ахлоқий қадриятларини ҳам ҳисобга олмоғи керак.

¹¹Манба: Интернет тармоғининг <http://www.ilo.org> ва <http://www.indexmundi.com> веб-сайтлари маълумотларидан олинди

Ривожланаётган мамлакатлар меҳнат бозорида ишсизликни камайтириш хусусиятлари уларнинг иқтисодий ривожланиши, жаҳон иқтисодиётидаги ўрни, жойлашган минтақасига қараб турли хусусиятларга эга. 140 га яқин мамлакатлар иқтисодий ривожланиш даражасидаги фарқ уларнинг меҳнат бозори шаклланиши ва уни тартибга солиш механизмидаги фарқни келтириб чиқаради. Масалан, Форс кўрфазининг нефт экспорт қилувчи мамлакатлари ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларида маҳаллий меҳнатга лаёқатли аҳоли асосан давлат секторида иш билан банд, чунки бу сектор иш ҳақи баландлиги, ижтимоий имтиёзлар тизими ва давлат хизматчисининг юқори мавқеи билан ажралиб туради. Шунга кўра, ушбу ҳудудда жойлашган мамлакатларда меҳнат ресурслари кўпроқ давлат ташкилотларида ишлашга интилишади.

Бу мамлакат меҳнат бозори хусусиятлари бир қатор омиллар билан белгиланади: араб мамлакатлари иқтисодиёти анъанавий равишда очик иқтисодиётга эга, уларда товар, капитал ва ишчи кучининг эркин ҳаракати учун шароит мавжуд. Бу мамлакатлар дунёнинг энг йирик хом ашё ва капитал экспортерлари ва саноат маҳсулотлари ва ишчи кучи импортёрларидир. Нефт тармоғи мамлакатлар ялпи ички маҳсулоти шаклланишининг асосий моддаси бўлиб, давлат харажатлари ҳам нефтдолларларига боғлиқдир. Ҳақиқатда аҳолининг иқтисодий фаоллиги ҳам нефтдан олинувчи даромад ҳисобига таъминланади. Янги иш жойларини яратиш, иш ҳақи даражаси, нафақалар ва бошқа ижтимоий тўловлар бевосита нефтдан олинувчи даромадларга боғлиқ. Бундан келиб чиқиб, хулоса қилиш мумкинки, Саудия Арабистони, Уммон, Қатар, Баҳрайн, Оман, Яман ва Бирлашган Араб Амирликлари мамлакатларида иш билан бандлик кўпроқ саноатда, хусусан нефть саноати билан боғлиқ ҳолда ўсмоқда.

Ишсизликни камайтириш бўйича ушбу давлатларда нефтдан тушган маблағлар бошқа тармоқлар, хусусан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга йўналтирилмоқда.

Худди шунингдек, Бирлашган Араб Амирликлари, Саудия Арабистони, ва Қатар давлатларида туризм сервис тармоғини ривожлантиришга катта эътибор

қаратилмоқда. Ушбу чора-тадбирлар нафақат арабий забон давлатлар, балки бошқа кўплаб ривожланаётган давлатлар ишчи кучини жалб қилишга ундамоқда.

Дастлабки мигрантлар Паластинликлардан иборат эди. Кейинчалик Миср, Сурия, Ироқ ва Ливандаги сиёсий ўзгаришлар бу мамлакатлардан ишчи кучи оқимини кенгайтди. Кейинчалик мамлакатлар Покистон, Ҳиндистон ва Бангладешдан ишчи кучини жалб қилиш кенгайди.

Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларида ишсизларга иш жойи топишда кўмак бериш дастурлари, бундай дастурлар бўш иш жойлари бўйича маълумотлар бериш, иш жойларини топишда кўмаклашиш ва касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини қамраб олди. Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларида кадрларни қайта тайёрлаш тизими кенг тарқалган. Чунки ушбу мамлакатларда юқори малакали кадрларга, айниқса, юқори технологик тармоқларда талаб катта. Кадрларни қайта тайёрлаш тизими асосан давлат томонидан маблағ билан таъминланади, шу билан бирга тадбиркорлар ҳам ушбу соҳани ривожлантириш учун умумий даромадининг 1%га яқин қисмини ўтказадилар. Бундай ҳолатни Гонгконг, Малайзия ва Сингапурда кўриш мумкин.

Ҳатто ишсизларга бўш иш жойлари ҳақида ахборот бериш тизимида Интернет тармоғидан кенг фойдаланилади. Интернет меҳнат биржалари хизматлари жуда арзон ва давлат меҳнат биржалари фаолиятида катта кўмак беради.

Айрим давлатларда ишсизликдан суғурталаш тизими ва давлатнинг трансфертлар дастурини кенгайтириш бўйича тадбирларни қамраб олади. Шу билан бирга аҳолининг айрим гуруҳлари аёллар, ёшлар ва кексаларга биринчи навбатда ёрдам кўрсатилади. Дастурни амалга оширишнинг асосий йўналиши иш йўқотишдан суғурталаш тизимидир. У Жануби-Шарқий Осиёнинг деярли барча мамлакатларида қўлланилади. Ишсизликдан суғурталаш тизими тадбиркорлар томонидан иш ҳақи фондининг 1% га тенг ойлик бадаллар ҳисобидан шаклланади. Бу фонддан ишсизлик бадалларини тўлаш муддати ва

шартлари турли мамлакатларда турлича. Масалан, Жанубий Кореяда иш стажига боғлиқ бўлмаган ҳолда ишини йўқотганларнинг барчасига нафақа тўланади¹².

Шундай давлатлар борки, уларда 90-йилларданок меҳнат унумдорлигини оширишга қаратилган дастурлар ишлаб чиқилган ва амал қилади. Иш берувчи ва ишга ёлланувчи ўртасида муносабатларни яхшилаш, ахборот билан таъминлаш, ишдан бўшатишга муқобил вариантларни топиш каби чораларни қамраб олади. Бунда ишчи ишдан бўшатишганда, унга бошқа жойларда ишлаш учун турли тартибдаги вариантлар олдинги иш жойи томонидан таклиф этилади. Бу жаҳон амалиётида аутплейсмент (“outplacement”) деб аталади. Бунда ишчининг ишсизликдан ҳимоялаланиши кафолатланади.

Аутплейсмент инглизча “outplacement” сўзидан олинган бўлиб, иш берувчи ва ёлланма ходим ўртасида тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходимнинг бошқа (корхонадан ташқарида) ишга жойлаштирилишини англатади. Бу амалда ишни йўқотаётганлар билан психологларнинг ишлашини, уларнинг ўзларига бўлган ишончини кучайтиришни ва уларнинг ишга жойлашишга кўмаклашишни билдиради.

Аутплейсментнинг ходимга фойдали жиҳати шундаки, унинг янги ишга жойлашишига унинг (аввалги) ишхонаси ёрдам беради. Бу ёрдам ишга ёлланишга кўмаклашувчи кадр агентликларини ёрдамидан фойдаланиш ва уларнинг хизматига ҳақни корхона ҳисобидан амалга оширилишида, корхона томонидан ижобий тавсифнома берилиши кўринишида амалга оширилиши мумкин. Давлат эса яна бир ишсизга иш қидириш ёки унга ишсизлик нафақаси тўлаш каби ҳаражатлардан ҳоли бўлади.

Ишчи кучидан самарали фойдаланишни йўлга қўйишда ишчи кучи сони юқори бўлган мамлакатлар, хусусан Хитой ва Ҳиндистонда ўз-ўзини банд қилиш рағбатлантирилиш йўли балан ишсизлик даражаси ошиб кетишини олдини олишга ҳаракат қилинади. Шундай бўлсада, Ҳиндистон ва Хитой ишчи

¹² Интернет тармоғининг Халқаро меҳнат ташкилоти (www.ilo.org)веб-сайти маълумотларидан фойдланилди.

кучи миграцияси жаҳонда кўпгина давлатлар статистикасида юқори кўрсаткичларни қайд этади. Бу ҳам қайсидир маънода ишчиларни ўзга юртда бўлсада бандлигини таъминлашга имконият яратилганидан далолат беради.

Баъзи мамлакатларда, масалан Франция, Буюк Британия, Италияда давлат биржалари ишсизликни рўйхатга олиб ишсизлик нафақаси беради. Меҳнат бўлими томонидан таклиф килинган ишдан бош тортса, ишсиз нафакадан маҳрум қилинади. Францияда ишсизлик билан бандлик буйича Миллий агентлик шуғулланади. Унинг фаолияти Меҳнат Вазирлиги назоратида амалга оширилади. Давлат меҳнат биржалари билан бир қаторда ишчи кучини ёллаш бўйича хусусий пуллик агентликлар ҳамда касаба уюшмалари, диний ва ёшлар ташкилотлари қошида иш билан таъминлаш бюрolari мавжуд.

Юқорида мамлакатлар тажрибаларининг айримларидан бизнинг мамлакатимизда ҳам ишсизликни камайтиришда фойдаланишимиз мумкин. Аммо шунини айтиш жоизки, ишсизликни илмий ўрганмасдан, уни камайтиришга уриниш бугунги кунда кечириб бўлмайдиган ҳодиса ҳисобланади.

II БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ва АНДИЖОН ВИЛОЯТИДА МАВЖУД ИШСИЗЛИК ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

2.1. Меҳнат бозорида ишсизлик ва иш билан бандлик ҳолати таҳлили

Агар бозор эркин, ўз-ўзидан ташкил топса, унумдорликни ва даромадларни энг юқори даражага етказиш имконини беради, бироқ ижтимоий адолат ва ҳамма учун иш ўринларига тенг имкониятларни кафолатлаш учун бозор ижтимоий тотувликни сақлаб қолишдан манфаатдор бўлган муайян ташкилотлар томонидан тартибга солиб турилиши лозим. Буни Президентимиз Ислом Каримов ўз асарида шундай баҳолайди, “Ўзбекистонда қабул қилинган ислохот ва модернизация модели орқали биз ўз олдимизга узоқ ва давомли миллий манфаатларимизни амалга ошириш вазифасини кўяр эканмиз, занг аввало, “шок терапияси” деб аталган усулларни биз четдан туриб жорий этишга қаратилган уринишлардан, бозор иқтисодиёти ўзини ўзи тартибга солади, деган ўта жўн ва алдамчи тасаввурлардан воз кечдик”¹³. Худди ана шундай тартибга солувчи институт сифатида биринчи навбатда давлатнинг ўзи майдонга чиқади, у меҳнат бозорини тартибга солиш учун муайян стратегияни ишлаб чиқади.

Хусусан, шахснинг фуқаролик эркинлиги ходимга меҳнатни қўллаш соҳаси, ундан фойдаланиш шароитлари ва иш ҳақини эркин танлаш ҳуқуқини расмий беради. Эркин субъект сифатида у шахсий мулкчилик ва ўзининг ишчи кучига эгалик ҳуқуқига эга бўлади. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги қонунида таъкидланганидек, “Ўзбекистон Республикаси фуқароларига ишлаб чиқариш ва ижодий меҳнат учун ўз қобилиятларига эгалик қилиш ва қонунчилик ман қилмайдиган ҳар қандай фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи берилган. Меҳнатга ҳар қандай шаклда маъмурий мажбур қилишга йўл қўйилмайди. Кишиларнинг ихтиёрий банд бўлмаслиги уларни жавобгарликка тортиш учун асос бўла олмайди”.

¹³ Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А. Каримов. –Тошкент: Ўзбекистон, 2009. -56б. 7-бет.

Давлат иш билан таъминлашга муҳтож бўлган аҳолига қуйидагиларни кафолатлайди:

- ишсизлик нафақасини тўлаш;
- меҳнат органларининг йўлланмаси бўйича касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ёки малака ошириш даврида стипендия тўланиши ҳамда шу даврни умумий меҳнат стажига қўшиш;
- ишсиз шахсга қарамоғидагиларини ҳисобга олган ҳолда, моддий ёрдам бериш;
- ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашиш имконияти;
- меҳнат органларининг таклифига биноан ишлаш учун ихтиёрий равишда бошқа ерга кўчиш билан боғлиқ харажатларини қоплаш¹⁴.

Статистик маълумотларга кўра, юртимизда иш билан таъминлашга муҳтож бўлган аҳоли сони ортиб бормоқда (2.1.1 -жадвал).

2.1.1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида иш билан таъминлашга муҳтож бўлган аҳоли сони динамикаси (минг киши ҳисобида)

Худудлар	Й и л л а р			2011 йилда 2009 йилга нисбатан ўзгариш	
	2009	2010	2011	+, -	Ғоиз
Республика бўйича	631,5	628,2	622,4	9,1	98,5
Андижон	65,6	65,1	64,6	1,0	98,4
Андижон вилояти улуши	10,3	10,4	10,4	0,1	х

Манба: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари асосида ҳисобланди.

2.1.1 -жадвалдан кўриниб турганидек, 2009-2011 йилларда Ўзбекистон Республикасида иш билан таъминлашга муҳтож бўлган аҳоли сони 9,1 минг кишига ёки 98,5 фоизга ортган. Кўрилаётган даврда иш билан таъминлашга муҳтож бўлган аҳоли сонининг ўсиш суръати бир меъёрга кечмаган. Хусусан, 2009 йилда иш билан таъминлашга муҳтож бўлган аҳоли сони 12 фоизга


¹⁴ Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси.

ортган бўлса, 2010 йилда иш билан таъминлашга муҳтож бўлган аҳоли сонининг камайиши кузатилиб, 2011 йилда 2009 йилга нисбатан 1,5 фоизга қисқарган.

Буни аҳоли иш билан бандлигини ошириш бўйича қилинаётган ишлар, вазифаларнинг, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш, фермер ва деҳқон хўжаликларини кенгайтириш ва уларга яратилаётган имкониятлар маҳсули дея таъкидлаш мумкин.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг маълумотлари иш билан таъминлашга муҳтож бўлган аҳолининг асосий қисмини мустақил иш қидираётганлар ташкил қилишини кўрсатади. Жумладан, 2009 йилда республика бўйича жами иш билан таъминлашга муҳтож бўлган аҳолининг 95,3 фоизини мустақил иш қидираётганлар ташкил қилган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 97,7 фоизга тенг бўлган. Кўрилаётган даврда бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш туман (шаҳар) марказларида рўйхатдан ўтган ишсизлар улуши мос равишда 4,7 ва 2,3 фоизга тенг бўлган.

Республикада иш билан таъминлашга муҳтож бўлган аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатининг ортиши ишсизлик даражасининг камайишини таъминлади.



2.1.1-расм. Ўзбекистон Республикасида аҳолининг ишсизлик даражаси, фоиз.¹⁵

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари.

2009-2011 йилларда юртимизда аҳолининг ишсизлик даражаси бир меъёрда бўлган, яъни 5 фоизни ташкил қилган. Бироқ бу кўрсаткичнинг йиллар бўйича ўзгариши унинг бир меъёрда бўлмаганини кўрсатади. Жумладан, 2007-2008 йилларда ишсизлик даражаси 0,1 бандга камайган, 2008-2009 йилларда 0,4 бандга кўпайган, 2009-2011 йилларда эса 5,3 фоиздан 5 фоизга тушган ёки 0,3 бандга камайган (2.1.1-расм).

Тахлиллар, иш излаб меҳнат муассасаларига мурожаат қилганлар, иш билан таъминланганлар сони йилдан-йилга ошиб, ишсизлар сони ва даражаси пасайиб бораётганлигини кўрсатади. Бунинг асосий сабаби:

- иқтисодий фаол аҳоли ва иш билан банд аҳолининг ўсиб бориши;
- меҳнат ресурсларининг юқори суръатларда ўсиши, меҳнат муассасалари хизматларининг яхшиланиши ва уларга иш излаб мурожаат қилаётганлар сонининг ошиши;
- меҳнат муассасалари таклиф этаётган кўплаб бўш иш ўринларининг мавжудлиги, фуқароларни ишга жойлаштириш фаолиятининг яхшиланиши ва бунинг натижасида иш излаб мурожаат қилганлар аксарият қисмининг иш билан таъминланиши.

Андижон вилояти Фарғона водийсининг шарқий қисмида жойлашган.

Вилоятда Республика аҳолисининг 9 фоизи истиқомат қилади. Аҳолининг 49,1 фоизи ёки 1251,7 минг нафари қишлоқларда, 50,9 фоизи ёки 1297,3 минг нафари шаҳарларда яшайдилар. Булар 102 миллат ва элатларга мансуб кишилардир.

2009 йилди 62,0 минг нафар ўғил ва қизлар туғилиб, уларнинг 35, 2 минг нафари қишлоқ жойларга тўғри келди. Аҳолининг йиллик ўртача ўсиши 43 минг кишини ташкил этди. Вилоятда аҳоли зичлиги Республик бўйича энг юқори бўлиб, 1 кв.км.га 592,5 киши тўғри келди. Вилоятда аҳолининг катта улуши Андижон шаҳри, Кўрғонтепа, Асака, Андижон, Хўжаобод ва Бўз туманларига тўғри келади.

2010 йилда вилоятда 1490,9 мингта меҳнатга лаёқатли аҳоли бўлиб, уларнинг 1079,1 мингтаси иқтисодиётнинг турли тармоқларида банддирлар. Шундан давлат тасарруфидага ташкилотларда 172,7 минг киши, иқтисодиётнинг муқобил турларида 906,4 минг киши меҳнат қилади.

Демографик жараёнларга боғлиқ ҳолда, юртимизда меҳнат ресурслари сони йил сайин ортиб бормоқда.

2.1.2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ва Андижон вилоятида меҳнат ресурслари сони динамикаси (минг киши ҳисобида)

Худудлар	Йиллар			2011 йилда 2009 йилга нисбатан ўзгариш	
	2009	2010	2011	+, -	фоиз
Республика бўйича	16123,6	16504,2	17309,8	1186,6	107,3
Андижон вилояти	1497,6	1536,0	1626,4	128,8	108,6
Андижон вилояти улуши	9,2	9,3	9,3	0,1	x

Манба: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари асосида ҳисобланди.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турганидек, 2009-2011 йиллар давомида меҳнат ресурслари сони 1186,6 минг кишига ёки 7,3 фоизга, Андижон вилоятида эса 128,8 минг кишига ёки 8,6 фоизга ортган. Бу даврда меҳнат ресурслари сонининг ўртача йиллик ўсиш суръати 2,6 фоизни ташкил қилган. Кўрилатган даврда меҳнат ресурслари сонининг ўсиш суръати республика худудларида айниқса Андижон вилоятида республика ўртача кўрсаткичидан юқори бўлган. 2012 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, меҳнат ресурслари жами аҳолининг 59 фоизини ташкил қилиб, унинг асосий қисми (қарийб 60 фоизи) Андижон вилоятига тўғри келади.

Бизга маълумки, меҳнатга лаёқатли аҳоли – бу аҳолининг маълум ёш доираси билан чегараланган қисмидир. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига биноан меҳнат ресурсларининг қуйи чегараси 16 ёш, юқори чегараси эса эркаклар учун 60, аёллар учун эса 55 ёш деб қабул қилинган. Меҳнат

ресурслари иқтисодда банд этилган ва банд этилмаган меҳнатга лаёқатли аҳолини ўз ичига олади.

Шу ўринда Республикадаги иқтисодиётда банд аҳолини ўсишини тахлилини келтириш ўринли деб ҳисоблаймиз.

2.1.3-жадвал

Ўзбекистон Республикасида иш билан банд аҳоли сони динамикаси (минг киши ҳисобида)

Худудлар	Й и л л а р			2011 йилда 2009 йилга нисбатан ўзгариши	
	2009	2010	2011	+;-	Фоииз
Республика бўйича	11328,1	11628,4	11919,1	591,0	105,2
Андижон вилояти	1063,0	1112,1	1144,8	81,8	107,6
Андижон вилояти улуши	9,4	9,5	9,6	0.2	х

Манба: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари асосида ҳисобланди.

Янги иш ўринларини ташкил этиш, иқтисодиёт тармоқлари таркибини диверсификация қилиш, малакали мутахассислар тайёрлаш ва шунингдек, 12 йиллик мажбурий таълим тизимида ўтиш борасида кўрилган чора-тадбирлар аҳолининг бандлик даражасини янада ошириш имконини берди.

2009-2010 йиллар мобайнида иш билан банд бўлган аҳоли сони 591,0 минг кишига ёки 5,2 фоизга ортган. Таҳлиллар ўсиш суръати бир меъёрга кечмаганини, хусусан, ўтган йиллар давомида иш билан банд бўлган аҳоли сонининг ўсиш суръати Андижон вилоятида 7,6 фоизни, яъни республика ўртача кўрсаткичидан юқори бўлганлигини кўрсатади.

Аҳоли бандлигини таъминлаш ва иш ўринлари ташкил этиш муаммоларини изчил ҳал этишга қаратилган тизимли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида иқтисодиётдаги банд аҳоли сони 2,5 фоизга ўсди ва деярли 11,9 миллион кишига етди, иқтисодиётнинг нодавлат секторидаги банд бўлган кишилар улуши 79,4 фоизни, шу жумладан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда бандлар – 74,2 фоизни ташкил этди. Бандликнинг энг юқори ўсиш суръатлари қурилишда 105,2 фоиз, уй-жой-коммунал хўжалигида ва

аҳолига маиший хизмат кўрсатишда 105,1 фоиз, савдо ва умумий овқатланишда 105,0 фоиз, транспорт ва алоқада 104,4 фоиз қайд этилди.

Аҳолини ишга жойлаштиришда бандликка кўмаклашувчи органларнинг фаолияти етакчи ўринда туради. Ўзбекистон Республикасида ишга жойлаштириш органлари фаолиятини акс эттирувчи қуйидаги жадвал фикримизни тасдиқлайди.

2.1.4-жадвал.

2010 йилда ишга жойлаштирилган аҳолини ёш ва маълумот даражаси бўйича таркибий тузилиши (минг киши ҳисобида)

Ёш кўрсаткичлари	Ишга жойлаштириш масаласи бўйича мурожаат этган аҳоли сони	Ишга жойлаштирилган аҳоли сони	Ишга жойлаштирилган аҳоли сонининг ишга жойлаштириш масаласи бўйича мурожаат этган аҳоли сонига нисбати (фоиз ҳисобида)
18 ёшгача	4,6	3,9	84,8
18-30 ёшгача	283,8	250,2	88,2
30-50 ёшгача	261,8	228,1	87,1
пенсия олди ёшдаги	4,9	2,4	49,9
пенсия ёши ва ундан катта ёшда	2,3	1,9	82,6
олий маълумотли	33,4	28,2	84,4
ўрта махсус маълумотли	127,8	109,4	85,6
ўрта маълумотли	367,2	323,7	88,2
тўлиқсиз ўрта маълумотли	29,1	25,2	86,6

Манба: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Вазирлиги маълумотлари асосида ҳисобланди.

Жадвалдан кўриниб турибдики, пенсия ёшидан ташқари барча ёшдагиларни ишга жойлаштириш салмоғи 82% дан кам эмас.

Умуман олганда республикамизнинг турли ҳудудларида Меҳнат ярмаркалари ўтказиб турилиши, бандликка кўмаклашиш органларининг иш изловчилар билан ишлаш самарадорлигини ошиши натижасида юқоридаги натижаларга эришилган. Лекин барча ҳам улар томонидан таклиф қилинган ишга рози бўлмаслиги мумкин, бу ишга ёлланувчининг касб-малакасига, ёши ва тажрибасига таянган ҳолда, пухта ўйланмоғи лозим бўлади.

Ишсизликни камайтириш омилларини таҳлил натижасида яна бир хусусиятни алоҳида эътиборга олиш зарур. У ҳам бўлса мамлакатимиз дунё миқёсида аҳолиси энг ёш давлатлардан бири эканлигидадир.

Ёшлар салмоғининг кўплиги бу гуруҳга тўғри келадиган иш ўринлари яратишга эътиборни кучайтирилиши билан бирга, уларнинг ишсиз қисмининг ортиши жамиятга қанчалик хавф солишини изоҳлайди.

Маълумки, меҳнат бозоридаги талаб кўп жиҳатдан товарлар, инвестициялар бозоридаги сўровларга боғлиқ бўлади, турли хил мулкчилик шаклида фаолият кўрсатаётган корхоналардаги бандликни шу омил юзага келтиради. Умумий тенденцияга асосан нодавлат секторида бандлик ортиши ҳисобидан давлат секторида бу кўрсаткични қисқариб бориши кузатилади.

Бандликни тез ўсиши хусусий мулкчиликка асосланган корхоналарга хосдир. Буни давлат корхоналарини хусусийлаштиришнинг ўзи билан изоҳлаб бўлмайди, чунки бандлик даражаси эски иш ўринларини сақланиши билан биргаликда янгиларини яратилишига ҳам бориб тақалади. Турли корхоналарда яратилган ишчи ўринлари турлича, шу туфайли бандликнинг капитал сиғими ҳам фарқланади. Энг қиммат ишчи ўринлари давлат ва аралаш укладда бўлса, энг арзон ишчи ўринлари хусусий корхоналарда, айниқса оилавий хўжаликларда яратилади.

2.2. Иш билан таъминлашга муҳтож бўлган аҳолига кўрсатилаётган хизматлар ва унинг тахлили

Давлат иш билан таъминлашга муҳтож бўлган аҳолига қуйидагиларни кафолатлайди:

- ишсизлик нафақасини тўлаш;
- меҳнат органларининг йўлланмаси бўйича касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ёки малака ошириш даврида стипендия тўланиши ҳамда шу даврни умумий меҳнат стажига қўшиш;
- ишсиз шахсга қарамоғидагиларини ҳисобга олган ҳолда, моддий ёрдам бериш;
- ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашиш имконияти;
- меҳнат органларининг таклифига биноан ишлаш учун ихтиёрий равишда бошқа ерга кўчиш билан боғлиқ харажатларини қоплаш¹⁶.

Статистик маълумотлар юртимизда иш билан таъминлашга муҳтож бўлган аҳоли сони ортиб бораётганини, иш билан таъминлашга муҳтож бўлган аҳолининг асосий қисмини мустақил иш қидираётганлар ташкил қилишини кўрсатади. Жумладан, 2007 йилда республика бўйича жами иш билан таъминлашга муҳтож бўлган аҳолининг 95,3 фоизини мустақил иш қидираётганлар ташкил қилган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 97,7 фоизга тенг бўлган. Кўрилаётган даврда бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш туман (шаҳар) марказларида рўйхатдан ўтган ишсизлар улуши мос равишда 4,7 ва 2,3 фоизга тенг бўлган. Республикада иш билан таъминлашга муҳтож бўлган аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатининг ортиши ишсизлик даражасининг камайишини таъминлади. Тахлиллар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларига иш сўраб мурожаат қилганлар улуши Андижон вилоятида 2011 йилда 2007 йилга караганда 2,3 фоизга, ишга жойлаштирилганлар 2,4 фоизга ортганини кўрсатди (2.2.1-жадвал).

¹⁶ Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси.

2.2.1-жадвал

Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларига иш сўраб мурожаат қилганлар ва ишга жойлаштирилганлар сони динамикаси

Худудлар	Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларига иш сўраб мурожаат қилганлар сони, бирлик			Ишга жойлаштирилганлар сони, бирлик			Мурожаат қилганларга нисбатан ишга жойлаштирилганлар улуши, фоиз		
	2007 й	2009 й	2011 й	2007 й	2009 й	2011 й	2007 й	2009 й	2011 й
Республика бўйича	557438	658498	661441	486535	565307	595691	87,3	85,8	90,1
Андижон вилояти	44852	55229	68236	39451	48313	62577	87,9	87,5	91,7
Андижон вилояти улуши	8,0	8,4	10,3	8,1	8,5	10,5	х	х	х

Манба: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари асосида ҳисобланди.

Хулоса қилиб айтганда, иш излаб меҳнат муассасаларига мурожаат қилганлар, иш билан таъминланганлар сони йилдан-йилга ошиб, ишсизлар сони ва даражаси пасайиб бориши кўзга ташланади. Бунинг асосий сабаби:

- иқтисодий фаол аҳоли ва иш билан банд аҳолининг ўсиб бориши;
- меҳнат ресурсларининг юқори суръатларда ўсиши, меҳнат муассасалари хизматларининг яхшиланиши ва уларга иш излаб мурожаат қилаётганлар сонининг ошиши;
- меҳнат муассасалари таклиф этаётган кўплаб бўш иш ўринларининг мавжудлиги, фуқароларни ишга жойлаштириш фаолиятининг яхшиланиши ва бунинг натижасида иш излаб мурожаат қилганлар аксарият қисмининг иш билан таъминланишидир.

2.2.2-жадвал

Ҳақ тўланадиган жамоат ишларида иштирок этган ва касбга тайёрлашга юборилган фуқаролар сони динамикаси (киши ҳисобида)

Худудлар	Ҳақ тўланадиган жамоат ишларида иштирок этган кишилар сони			Касбга тайёрлашга юборилган фуқаролар сони		
	2007 й	2011 й	2011 йилда 2007 йилга нисбатан ўзгариши, фоиз	2007 й	2011 й	2011 йилда 2007 йилга нисбатан ўзгариши, фоиз
Республика бўйича	27627	49608	179,5	13676	26239	191,8
Андижон вилояти	1379	4929	357,4	1288	2735	212,3
Андижон вилояти улуши	5,0	9,9	х	9,4	10,4	х

Манба: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари асосида ҳисобланган.

Маълумотлар таҳлили 2007-2011 йиллар давомида республика бўйича ҳақ тўланадиган жамоат ишларида иштирок этган кишилар сони 79,5 фоизга, Андижон вилоятида эса 3,5 мартага ортганини кўрсатади.

Шу ўринда айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 июлдаги “Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил қилиш тўғрисида”ги 353-сон қарорига асосан, ҳақ тўланадиган жамоат ишлари қуйидаги мақсадларда ташкил қилинади:

- иш қидираётган шахс сифатида меҳнат органларида рўйхатга олинган фуқароларга уларнинг вақтинча иш ҳақи (меҳнат даромади) олиши ва иш қидираётган даврида уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, меҳнат органлари томонидан ишсиз деб эътироф этилган фуқароларни вақтинча иш билан таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш;
- биринчи марта иш қидираётган ва касби (мутахассислиги) бўлмаган шахсларни меҳнат фаолиятига жалб қилиш;
- турли сабабларга кўра касб фаолиятида анча узилишлар бўлган шахсларни (илгари болалар тарбияси, беморлар ва оиланинг кекса аъзоларига қараш билан машғул бўлган, жазони ўташ муассасаларидан озод қилинганлар ва бошқалар) меҳнатга қайта тиклаш;
- иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган объектларини ишчи кучи билан таъминлаш.

Бозор муносабатлари шароитида ишсиз шахсларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш – тўла ва самарали иш билан таъминлашга қўмаклашувчи энг муҳим омиллардан бири бўлиб, унга аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш чораларининг бир тури сифатида қаралади. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг маълумотларига кўра, республикада касбга тайёрлашга юборилган фуқаролар сони 2007 йилдаги 13676 нафардан 2011 йилда 26239 нафарга ёки 91,8 фоизга ортган.

Ишсизликни бартараф қилишда бандлик жамғармаларининг аҳамиятини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Бандлик жамғармаси харажатларини шартли равишда тўртта йўналиш бўйича қисмларга ажратиш мумкин:

1. Ишсизлик бўйича нафақага сарфланадиган маблағлар, ишсизларга моддий ёрдам кўрсатиш, узоқ мудатли пенсиялар тўлаш (Буларни пассив сиёсат деб аташ қабул қилинган).

2. Қайта тайёрлаш ва жамоат ишларига сарфланадиган маблағлар. Фаол сиёсатнинг мазкур шакли амалдаги қонунчиликдан келиб чиқади, яъни бандлик соҳасидаги давлат хизмати учун мажбурий ҳисобланади.

3. Молиявий қўллаб - қувватлашга, қимматли қоғозлар сотиб олиш ва бошқа харажатларга мўлжалланган маблағлар. Айтиб ўтилган бу шаклларни бирлаштириб турадиган томон шуки, улар қонун билан кафолатланмаган. Шу билан бирга “молиявий қўллаб - қувватлаш” моддасига доир харажатларни меҳнат бозоридаги фаол сиёсат шакллариغا киритиш қабул қилинган.

4. Бандлик хизматларини ривожлантириш учун мўлжалланган маблағлар (уларни таъминлаш, капитал маблағлар, реклама, “Бандлик” ахборот хизмати).

Давлат бандлик жамғармаси қуйидаги тўловларни амалга оширади:

- ишсизлик бўйича нафақа тўлаш;
- бандлик хизмати йўланмаси билан кўнгилли равишда бошқа жойларга кўчиб боровчининг йўл чиқимлари билан боғлиқ моддий харажатларини қоплаш;
- вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик даври учун ҳақ тўлаш;
- бандлик хизмати томонидан касбий тайёргарлик, қайта тайёрлаш, малака ошириш учун стипендиялар.

Ишсизларга узоқ муддатли пенсиялар тайинланиши муносабати билан Пенсия жамғармаси харажатлари бандлик жамғармасидан қопланади. Аҳолининг иш билан бандлик жамғармасига бадалар тўлаши учун суғурта тарифи меҳнат ҳақиға тўлашга мўлжалланган маблағларнинг 1,5% ни ташкил этади. Бадаллар тўлашдан озод этиладиганлар: ногиронларнинг жамоа ташкилотлари, ногиронлар ва пенсионерларнинг жамоат ташкилотлари, уларга тегишли бўлган корхоналар, шунингдек диний бирлашмалар.

Республикада ишга жойлашишга мухтож аҳолини бир марталик ишга жалб қилиш ишлари ҳам йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. Бу фаолиятнинг моҳияти шундаки, ўз меҳнат лаёқатини қисқа муддатли (тўлиқ

бир иш кунида ёки тўлиқсиз бир иш кунида, икки ёки ундан ортиқ, лекин бир ойдан кам иш кунида) ишга сарфлаш истагида бўлган фуқароларга меҳнат муассасалари иш берувчи ва ёлланма ишчини бир-бири билан учраштириш ва келишиб олишларига кўмаклашмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 9 октябрдаги “Давлат Инвестиция дастури” тўғрисидаги ПҚ-704 сонли қарорига мувофиқ вилоятда 2011 йилда жами 26 та лойиҳа амалга оширилиши ва 32,2 млн. АҚШ долларлик инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилган. Жумладан; Андижон шаҳридаги “Сабр Ко” корхонаси 100 минг АҚШ долл., “Семурғ” АЖ 300 минг, Андижон туманидаги “Техноинноватор” корхонаси 654 минг АҚШ долл., Олтинкўл туманидаги “Олтинкўлтекстиль” АЖ 250 минг АҚШ доллари, Асака туманидаги “Турон фоулинг” ҚК 850 минг, Хўжаобод туманидаги “Хўжаобод тархон” ХИЧК 70 минг, Марҳамат туманида жойлашган “Полвонтош текстиль” МЧЖ 2623 минг АҚШ доллар, “Марҳамат” АЖ 3454 минг АҚШ доллар, Избоскан туманидаги “Хуалонг Файз Полимер” ҚК 400 минг АҚШ доллар, Пахтаобод туманидаги “Маданият Текстиль” 1970 минг АҚШ доллар, Шахрихон туманидаги “Сенас Текстиль” ҚК 2000 минг АҚШ доллар, Хонобод шаҳридаги “Инком Тарандубитель” ҚК 706 минг АҚШ долларини ва қўшимча жалб этилган корхоналар томонидан 12,6 млн.АҚШ долларни ташкил этган.

Шунингдек, ишга жойлашишга муҳтож шахсларни иш билан таъминлаш мақсадида Бобур номли ип – газлама ишлаб чиқариш акциядорлик жамиятини Хитой Республикасининг кредит маблағлари ҳисобига қайта реконструкция қилиниб, янги замонавий жиҳозлар ўрнатиш учун 36 млн. АҚШ доллари ўзлаштирилган. Ўзбекистон - Германия - Швейцария “Балиқчитекс” қўшма корхонасининг 6 млн. АҚШ доллар лойиҳа қийматли иккинчи навбати ишга туширилиши натижасида 1000 дан ортиқ янги иш жойлари яратилди.

Демак, аҳоли бандлигини таъминлаш учун бандликка кўмаклашиш марказлари томонидан қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади;

-оилавий тадбиркорлик ва кичик корхоналар ривожлантириш чора-тадбирларини фаоллаштириш;

- туманларда хизмат кўрсатиш инфратузилмасини ривожлантириш орқали янги иш ўринларини яратиш;

- ишсизларни касбга ўқитиш ва жамоат ишлари тизимларини такомиллаштириш;

- меҳнатга лаёқатли аҳоли билан ишлаш самарадорлигини ошириш.

Бу тадбирларни амалга оширилиши иш билан таъминлашга муҳтож бўлган аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини ўсишига имкон беради.

2.3. Жаҳон мамлакатларида ишсизлик даражаси ва меҳнат бозори ҳолатининг ижтимоий-иқтисодий таҳлили

Барчамизга маълумки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози барча давлатларга ўз таъсирини ўтказди. Шу жумладан, ишсизлик даражаси паст бўлган давлатларга ҳам сезиларли даражада таъсир этди.


АҚШ иқтисодиётининг бир текис бўлмаган ўсиш динамикаси, ишчи кучи бозоридаги жиддий муаммоларнинг сақланиб қолиши, мамлакат корхоналари сарфлаётган капитал ҳажмининг пасайиб бораётгани ҳам жаҳон иқтисодиёти ва молиявий бозорларининг истикболига нисбатан ўта шубҳа билан қарашни кучайтирди¹⁷. Инқироз туфайли барча ривожланган мамлакатларда 2009 йилдаги кескин пасайишдан кейин 2010 йилда иқтисодий ўсиш суръатлари таъминланган эди. Ҳаттоки, ушбу ўсиш суръатлари АҚШ, Япония ва Германияда инқироздан олдинги 2007 йил натижаларидан ҳам юқорироқ бўлганини кузатишимиз мумкин. Бироқ, 2011 йилда таҳлил қилинаётган барча мамлакатларда олдинги йилга нисбатан ўсиш суръатлари яна секинлашиб, ҳатто Японияда 0,4 фоиз даражасида иқтисодий пасайиш рўй берди. Турли халқаро молиявий ташкилотларнинг бераётган прогнозларига кўра, 2012 йилда ҳам манзара у қадар ижобий тус олмайди. АҚШ ва Японияда иқтисодий ўсиш суръатлари тегишли равишда 1,8 ва 2 фоиз бўлиши кутилаётган бўлса, Буюк Британия ва Германияда бу кўрсаткич атиги 0,7 фоиз даражасида бўлиши тахмин қилинмоқда.

Аввал молиявий соҳада бошланиб, кейинчалик иқтисодий соҳага ўтган инқироз, Президентимиз таъкидлаганидек, пировардида ижтимоий соҳага ҳам ўз таъсирини кўрсатди, хусусан, ишсизлик даражасининг кескин ошиб кетишига олиб келди (2.3.1-расм).

Расмдан кўринадики, инқироздан олдин аксарият ривожланган мамлакатларда 4-5 фоиз атрофида бўлган ишсизлик даражаси 2009-2010 йилларда кескин равишда ошиб, 10 фоизга етди. Бу борадаги муҳим чора-

¹⁷ UFSInvestmentCompany: Стратегияна 2012 год. –<http://bonds.finam.ru>

тадбирлар натижасида 2011 йилда ишсизликни маълум даражада пасайтиришга эришилганига қарамай, АҚШ, Буюк Британия ва Германияда бу кўрсаткич ҳамон юқори даражада қолмоқда.



2.3.1-расм.Ривожланган мамлакатларда ишсизлик даражаси.

Халқаро меҳнат ташкилотининг маълумотларига кўра, дунёдаги меҳнатга лаёқатли аҳолининг ҳар учинчиси ё ишсиз, ёки қашшоқликда ҳаёт кечирмоқда. Бу ҳолатдан чиқиш учун 600 миллионга. иш ўрни яратишга қаратилган глобал хатти-ҳаракатлар ёрдам бериши мумкин.

“Ҳукуматларнинг қаттиқ саъй-ҳаракатларига қарамасдан иш ўринлари билан боғлиқ инқироз пасаймаяпти. Дунёдаги ҳар учта ишловчидан биттаси, бизнинг ҳисоб-китобларимизга кўра бу 1,1 миллиард. киши – ё ишсиз, ёки қашшоқликда яшамоқда, – деб таъкидлади Халқаро меҳнат ташкилоти бош директори Хуан Сомавия. – Реал иқтисодиётда иш ўринларини яратиш асосий устувор йўналишга айланиши лозим”.

“Биз ишсизликнинг маълум даражада пасайишини кутган эдик. Бироқ, 2012 йилда бундай ҳолат рўй бермайди. Иқтисодий ўсишнинг пасайиши шароитида ишсизликнинг янада ўсиши кузатилади”, – деб изоҳлайди ХМТ баёноти муаллифларидан бири Эккехард Эрнст.

ХМТ прогнозларига кўра, 2012 йилда жаҳондаги ишсизлар сони 3 миллион кишига кўпаяди. Агар жаҳон иқтисодиётининг ўсиш суръатлари 2 фоиздан паст бўлса, у ҳолда мазкур рақам 4 миллион кишига қадар етиши

мумкин. Аксинча, агар еврохудуд мамлакатлари қарз инқирозидан тезлик билан чиқа олса, бу рақам 1 миллион кишига пасайиши мумкин.

Ўзига муносиб иш топа олмаган ёшлар сони жаҳон бўйича 2011 йилда 74,8 миллион кишини ташкил этган. Бу бир йил олдинги 77,6 миллион кишига нисбатан оз, бироқ, инқироздан олдинги ҳолатга нисбатан 4 миллион кўпдир. Аҳолининг мазкур ёш гуруҳи (15-24 ёш) орасидаги ишсизлик даражаси умумий ишсизлик кўрсаткичидан 3 баробар ортиқ бўлиб, 12,7 фоизни ташкил этмоқда.

ХМТнинг маълумотларига кўра, ҳозир дунёда 200 миллион киши ишсиз бўлиб, яқин ўн йил давомида ҳар йили 40 миллионга кўшимча ишчи ўрни яратиш зарур бўлади¹⁸.

Сўнгги йилларда МДХ мамлакатларида иқтисодий ўсиш суръатлари жадаллашганлигига қарамай, ишсизлик даражаси бу мамлакатларда ўсиб борди. Масалан, Қозоғистонда 2006 йилда иқтисодий фаол аҳолининг 9,7 фоизи ёки 0,7 млн киши, Молдавияда 9,8 фоиз ёки 140 минг киши, Россияда 9,2 фоиз ёки 6,5 млн киши, Украинада 11,2 фоиз ёки 2.6 млн киши ишсиздир¹⁹.

Белоруссия, Украина, Озарбайжон ва Тожикистонда рўйхатдан ўтган ишсизлар сони ортмоқда. Қозоғистон, Қирғизистон, Молдавияда бу кўрсаткич пасаймоқда. Россия ва Украина меҳнат бозорида асосий ишчи кучини ташқаридан кириб келаётган мигрантлар ташкил этади. Ўртача ишсизлик нафақаси 2006 йилда 1900-2000 руб (ўртача иш ҳақининг 17-18 фоизи), ўртача ишсизлик муддати 5,0-5,1 ойни ташкил этади. Ваҳоланки, бу кўрсаткич Украинада 7,0-7,2 ой, Қозоғистонда 8,0-8,2 ой, Беларуссияда 6 ойни ташкил этади. Шу билан бирга, Россия ва Украинада ижтимоий-иқтисодий ривожланишга спид билан касалланганларнинг ортиши ҳам

¹⁸ Спелова П. Очередь безработных не сокращается. - <http://www.vz.ru/economy>.

¹⁹ Статистика СНГ (статистический бюллетень) № 11.2006, стр 20

жиддий хавф соладиган сабаб бўлиб, иқтисодий ўсиш йилига 0,5 фоиз 2010 йилгача, 1,0 фоиз 2020 йилгача пасайиб боради.²⁰

2008 йилда кузатилган жаҳон молиявий иқтисодий инқирози бу мамлакатларга ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Натижада меҳнат бозоридаги ҳолат салбий томонга ўзгарди.

Маълумотларининг кўрсатишича, 2010 йилда 1та бўш иш ўрнига Озарбайжонда 19,7 киши, Арманистонда 38,2 киши, Қозоғистонда 25,2 киши, Қирғизистонда 29,4 киши, Молдавияда 20,0 киши, Россияда 8,8 Украинада 7,1 киши тўғри келган бўлса, 2011 йилга келиб бу кўрсаткич Украинада 6 кишига, Россияда 11 кишига, Қозоғистонда 13 кишига, Қирғизистонда эса 18 кишига, Арманистонда 50 кишига ортган. Бандликка кўмаклашувчи марказларга мурожаат қилганларнинг Озарбайжонда 62,1 фоизи, Арманистонда 19,7 фоизи, Белоруссияда 64,3 фоизи, Қозоғистонда 85,1фоизи, Қирғизистонда 50 фоизи, Молдавияда 45,8 фоизи, Россияда 89,2 фоизи, Тожикистонда 31,8 фоизи, Украинада 77,1 фоизи ишга жойлаштирилган.

Ривожланаётган мамлакатлар меҳнат бозори хусусиятлари уларнинг иқтисодий ривожланиши, жаҳон иқтисодиётидаги ўрни, жойлашган минтақасига қараб турли хусусиятларга эга. 140 га яқин мамлакатлар иқтисодий ривожланиш даражасидаги фарқ уларнинг меҳнат бозори шаклланиши ва уни тартибга солиш механизмидаги фарқни келтириб чиқаради. Биз ривожланаётган мамлакатларни мамлакатлар меҳнат бозорини ўрганишда уларни иқтисодий ва минтақавий кўрсаткичларига кўра бир нечта гуруҳга бўлиб таҳлил этдик.

Биринчи тасниф уларни аҳоли жон бошига тўғри келувчи ялпи ички маҳсулоти кўрсаткичига асосланади

²⁰ Статистика СНГ (статистический бюллетень) № 11.2007, стр 23.

Ривожланаётган мамлакатларнинг аҳоли жон бошига тўғри келувчи ялпи ички маҳсулотига кўра гуруҳлари (харид қобилияти паритети бўйича, долл.)²¹

1-гуруҳ (10 минг доллардан ортиқ)

2-гуруҳ (5 мингдан 10 минг долларгача)

3-гуруҳ (3мингдан-5 минг долларгача)

4-гуруҳ (2 мингдаг -3 минг долларгача)

5-гуруҳ (1 мингдан -2 минг долларгача)

6 - гуруҳ (минг долларгача)

Биринчи гуруҳга кирувчи мамлакатлар меҳнат бозорига хос хусусиятга баҳо беришда уларнинг ўзини минтақавий жиҳатдан икки гуруҳга ажратиш керак. Булар Форс кўрфазининг нефт экспорт қилувчи мамлакатлари ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари. Нефт экспорт қилувчи араб мамлакатлари меҳнат бозорига хос хусусият ишчи кучи етишмаслиги билан бир вақтда ортиқча ишчи кучининг мавжуд бўлишидир. 2004 йил маълумотларига кўра, бу мамлакатларнинг аҳолиси 28,6 млн. кишини ташкил этади. Маҳаллий меҳнатга лаёқатли аҳоли асоан давлат секторида иш билан банд, чунки бу сектор иш ҳақи баландлиги, ижтимоий имтиёзлар тизими ва давлат хизматчисининг юқори мавқеи билан ажралиб туради.

Бу мамлакат меҳнат бозори хусусиятлари бир қатор омиллар билан белгиланади: араб мамлакатлари иқтисодиёти анъанавий равишда очик иқтисодиётга эга, уларда товар, капитал ва ишчи кучининг эркин ҳаракати учун шароит мавжуд. Бу мамлакатлар дунёнинг энг йирик хом ашё ва капитал экспортлари ва саноат маҳсулотлари ва ишчи кучи импортерларидир. Нефт тармоғи мамлакатлар ялпи ички маҳсулоти шаклланишининг асосий моддаси бўлиб, давлат харажатлари ҳам нефтдолларларига боғлиқдир. Ҳақиқатда аҳолининг иқтисодий фаоллиги ҳам нефтдан олинувчи даромад ҳисобига таъминланади. Янги иш жойларини

²¹ Мировая экономика: глобальные тенденции. Под. Ред. Королева .«ЭкономистъГ,В», 2003 г

яратиш, иш ҳақи даражаси, нафақалар ва бошқа ижтимоий тўловлар бевосита нефтдан олинувчи даромадларга боғлиқ. Форс кўрфази мамлакатларига бандлик даражасининг худди шундай даромадга эга мамлакатларга нисбатан 35-37% га пастлиги хосдир. Бунга демографик, ижтимоий ва маданий омиллар сабабдир:

- биринчидан, бу мамлакатларга меҳнатга лаёқатсиз аҳолининг ҳиссаси катталиги хосдир;

- иккинчидан, меҳнат фаолиятини бошлашга шоммаслик хос, чунки барча даражадаги таълим тизими бепул;

- учинчидан, давлат секторига нафақа ёшининг кичиклиги хослиги, жумладан, 20 йил меҳнат стажи бўлган хизматчи 45 ёшидан нафақага чиқиши мумкин.

- туртинчидан, кейинги пайтларда ўсиш тенденциясига эга бўлсада, аёллар бандлиги даражасининг пастлиги хос. Аёллар ўртасида максимал бандлик Кувайтда (30%) қайд этилган бўлсада, бу ўртача жаҳон кўрсаткичларидан анча паст кўрсаткичдир.

Бу мамлакатлар аҳолисининг ярмидан кўпи хизмат кўрсатиш соҳасида банддир. Саноат соҳасида бандликка келсак, у араб мамлакатларида амалга оширилаётган диверсификация сиёсати билан бевосита боғлиқ, жумладан, Саудия Арабистони ва Катарда диверсификация нефтга боғлиқ соҳаларни ривожлантиришга қаратилган. Уммонда нефтга боғлиқ бўлмаган соҳалар ривожлантирилмоқда, БАА транзит савдо, Баҳрайнда банк соҳаси ивожланишига алоҳида эътибор берилган, натижада индустриал соҳаларда бандлик Саудия Арабистони, Уммон ва Катарда ўсган, бошқа мамлакатларда эса, аксинча, камайган. Уммон ва Саудия Арабистонидан ташқари барча мамлакатларда қишлоқ хўжалигида банд аҳоли ҳиссаси жуда кичик, бу қишлоқ хўжалигининг ресурс базаси чекланганлиги ва урбанизатсия даражаси юқорилиги билан боғлиқ.

Ишсизлик даражаси бўйича тизимлаштирилган маълумотлар мавжуд эмас, баъзи маълумотларга кўра, у 10-12%ни ташкил этади. Ишсизликнинг энг кам даражаси Бахрайн ва Катарга хос.

Шуни таъкидлаш керакки, бу мамлакатларнинг меҳнат бозорига хос умумий хусусият хорижий ишчи кучидан фойдаланиш кўламларининг катталигидир. Бунинг омиллари турлича, жумладан, аҳоли сонининг камлиги, аёлларнинг меҳнат фаолиятида қатнашмаслиги, малакали кадрларнинг етишмаслиги, маҳаллий аҳолининг жисмоний меҳнат билан шуғулланишга мойиллигининг йўқлиги.

Хорижий ишчи кучининг оммавий келиши 20-асрнинг 70-йиллари бошига тўғри келади. Нефт натижасида бу мамлакатларда ишчи кучи етишмаслиги сезилди. Дастлабки мигрантлар Паластинликлардан иборат эди. Кейинчалик Миср, Сурия, Ироқ ва Ливандаги сиёсий ўзгаришлар бу мамлакатлардан ишчи кучи оқимини кенгайтirdи.

Кейинчалик мамлакатлар Покистон, Ҳиндистон ва Бангладешдан ишчи кучини жалб қилиш кенгайди. Бунга сабаб бу мамлакатлардан келган ишчи кучининг нархи араб мамлакатларига нисбатан паст эди. Сўнгги йилларда бу мамлакатларда хорижий мамлакатлардан иммигрантлар оқими камайтириш, меҳнат бозорини миллийлаштириш сиёсати олиб борилмоқда. Чунки хорижий ишчи кучининг ҳиссаси катталиги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Хорижий ишчи кучи ўтказмалари натижасида ялпи ички маҳсулотнинг 10% ортиғи ташқарига чиқиб кетмоқда. Натижада мамлакатларнинг меҳнат бозоридаги давлат сиёсати миграцияни тартибга солиш сиёсатидан иборат бўлиб қолмоқда. Юқорида санаб ўтилган омиллар меҳнат бозоридаги вазиятни белгилаб берувчи омиллар сифатида яқин келажакда ҳам сақланиб қолади.

Биринчи ва иккинчи гуруҳга кирувчи Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари меҳнат бозорига хос хусусият унинг шаклланганлиги ва давлат томонидан фаол тартибга солинишидир. Жумладан бу мамлакатларда ишсизликни тартибга солишда қуйидаги дастурлар амалга оширилган:

1. Ишсизларга иш жойи топишда кўмак бериш дастурлари, бундай дастурлар бўш иш жойлари бўйича маълумотлар бериш, иш жойларини топишда кўмаклашиш ва касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини қамраб олди. Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларида кадрларни қайта тайёрлаш тизими кенг тарқалган. Чунки ушбу мамлакатларда юқори малакали кадрларга, айниқса, юқори технологик тармоқларда талаб катта. Кадрларни қайта тайёрлаш тизими асосан давлат томонидан маблағ билан таъминланади, шу билан бирга тадбиркорлар ҳам ушбу соҳани ривожлантириш учун умумий даромадининг 1%га яқин қисмини ўтказадилар. Бундай ҳолатни Гонгконг, Малайзия ва Сингапурда кўриш мумкин.

Ишсизларга бўш иш жойлари ҳақида ахборот бериш тизимида Интернет тармоғидан кенг фойдаланилади. Интернет меҳнат биржалари хизматлари жуда арзон ва давлат меҳнат биржалари фаолиятида катта кўмак беради.

2. Янги иш жойларини яратиш дастурлари ҳам давлат томонидан, ҳам хусусий тадбиркорлар томонидан маблағ билан таъминланади. Молиявий имкониятлари катта бўлган хусусий сектор албатта етакчилик қилади, маблағлар кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун сарфланади.

Компанияларда янги иш жойларини яратиш бўйича Таиланднинг тажрибаси диққатга сазовор. Бу дастур айниқса, Осиё инқирозидан кейин ўз самарасини берди. Дастур хорижий ишчи кучини чеклаш ва маҳаллий ишчилар билан уларни алмаштириш, хорижга маҳаллий ишчи кучини экспорт қилиш, кўп меҳнат талаб этувчи соҳаларни ривожлантириш, касаначиликни ривожлантириш, ўрта бўғин бошқарувчиларни тайёрлаш чораларини қамраб олган.

Янги иш жойларини яратиш дастурлари шунингдек, давлат секторига ҳам хосдир. Молиявий маблағлар чеклангани сабабли давлат устувор ва ижтимоий жиҳат муҳим тармоқларни қўллаб-қувватлайди. Жануби Шарқий Осиёнинг турли мамлакатларида бу соҳалар турлича, жумладан, Малайзияда инфратузилма тармоқлари, Жанубий Кореяда экологик соҳаларда давлат янги иш ўринларини молиялаштиради.

3. Аҳоли ижтимоий хавфсизлигини таъминлаш дастурлари. Бу дастурлар давлат мақсадли заёмлари, ишсизликдан суғурталаш тизими ва давлатнинг трансфертлар дастурини кенгайтириш бўйича тадбирларни қамраб олади. Шу билан бирга аҳолининг айрим гуруҳлари аёллар, ёшлар ва кексаларга биринчи навбатда ёрдам кўрсатилади. Дастурни амалга оширишнинг асосий йўналиши иш йўқотишдан суғурталаш тизимидир. У Жануби-Шарқий Осиёнинг деярли барча мамлакатларида қўлланилади. Ишсизликдан суғурталаш тизими тадбиркорлар томонидан иш ҳақи фондининг 1% га тенг ойлик бадаллар ҳисобидан шаклланади. Бу фонддан ишсизлик бадалларини тўлаш муддати ва шартлари турли мамлакатларда турлича. Масалан, Жанубий Кореяда иш стажига боғлиқ бўлмаган ҳолда ишини йўқотганларнинг барчаси нафақа тўланади²².

Дастур бўйича кўрсатилувчи ёрдамнинг кейинги тури бу давлат томонидан ишсизларга мақсадли заёмлар беришдир.

Аҳолининг ижтимоий хавфсизлигини таъминлаш дастурларининг яна бир йўналиши таълим тизимида, соғлиқни сақлашда ишсизларга имтиёзлар беришдир.

Соғлиқни сақлаш тизимида ишсизлар ва уларнинг оилаларига бепул тиббий ёрдам кўрсатиш хизмати амалга оширилади. Шу билан бирга баъзи мамлакатларда камбағал оилаларга, ёш болали оилалар, ҳомиладор аёлларга тиббий хизмат учун молиявий ёрдам кўрсатилади.

Таълим соҳасида ёшларнинг меҳнат бозорига эрта кириб боришининг олдини олишга қаратилган чоралар амалга оширилади. Бунда уларнинг ўқиши учун субсидиялар тизими қўлланилади.

4. Меҳнат унумдорлигини оширишга қаратилган дастурлар. Бу дастурлар Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларида 90-йилларнинг охиридан бошлаб қўлланила бошлаган. Улар миллий иқтисодиёт таркибини қайта тузиш ва барқарорлаштириш дастурлари доирасида амалга оширилади.

²² Интернет тармоғининг Халқаро меҳнат ташкилоти (www.ilo.org) веб-сайти маълумотларидан фойдланилди.

Бу дастурлар иш берувчи ва ишга ёлланувчи ўртасида муносабатларни яхшилаш, ахборот билан таъминлаш, ишдан бўшатишга муқобил вариантларни топиш каби чораларни қамраб олади. Кичик ва ўрта корхоналар учун меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича тавсиялар бериш, семинарлар ташкил этиш, менежерларни тайёрлаш курсларини ташкил этиш ҳам ушбу дастурнинг йўналишларидан биридир.

Шунга қарамасдан бу минтақа мамлакатларида сўнгги йилларда ишсизлик даражаси ўсди, жумладан 2006 йилда 2005 йилга нисбатан ўсиш 0,1 %ни ташкил этди, ҳозирги пайтда бу мамлакатларда ишсизлик даражаси 3,6% ни ташкил этади.

Учинчи ва ундан кейинги гуруҳга кирувчи ривожланаётган мамлакатларнинг кўпчилигига хос хусусият меҳнат бозорида ортиқча тақлифнинг мавжудлигидир. Умуман, дунё иқтисодиётида сўнгги 2 йил ичида ўсиш кузатилгани билан, ишсизларнинг сони 2006 йилда рекорд миқдор 195 млн. кишига етди. Дунёдаги ўртача ишсизлик даражаси 6,3%ни ташкил этди. Бу кўрсаткичларнинг катта қисми ривожланаётган мамлакатлар ҳисобига шаклланади.

Дунёда меҳнатга лаёқатли аҳолининг сони сўнгги ўн йил ичида (1995-2005 й.) 3,9 млрд.кишидан 4,64 млрд. кишигача ўсди. Бу кўрсаткич 2015 йилга келиб 5,35 млрд.ни ташкил этиши кўзда тутилмоқда. Ўсишнинг асосий қисми ривожланаётган мамлакатлар ҳисобига юз берди. Ўртача ўсиш суръати 2%га тенг бўлса, ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткич 0,8% тенг, шу билан бирга уларда бундай ўсиш асосан ривожланаётган мамлакатлар ҳисобига юз бермоқда.

Ишсизлик даражаси юқори бўлган мамлакатлар қаторига Яқин Шарқ ва Шимолий Африка мамлакатлари ҳам кириб, уларда ишсизлик даражаси 12,2 % ни ташкил этади. Лотин Америкаси мамлакатларида ишсизлик даражаси ўртача 8%га тенг бўлиб, бу кўрсаткич мамлакатлар бўйича катта фарқга эга. Жанубий Осиёда ишсизлик ва камбағаллик даражаси юқори бўлаган мамлакатлар қаторига ҳануз Ҳиндистон ва Покистонни киритиш

мумкин. Бу мамлакатларда сўнгги йилларда иқтисодий ўсиш суръатлари барқарор бўлишига қарамай, иш ҳақи даражаси жуда паст. Бунинг асосий сабаби Жанубий Осиёнинг аҳоли зич жойлашган минтақаларида умумий иқтисодий қолоқликдан иборат. Жумладан, Ҳиндистонда амалга оширалаётган иқтисодий ислохотлар 70% дан ортиқ аҳолини ташкил этувчи қишлоқ жойларига таъсир ўтказмади.

Юқорида келтирилган дастурларнинг айримларидан бизнинг мамлакатимизда ҳам ишсизликни камайтиришда фойдаланиш мумкин.

III БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИДА МАВЖУД ИШСИЗЛИК МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

3.1. Мамлакат аҳолисини ишсизликдан ҳимоялаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш

Давлат доимий равишда фуқароларни иш билан таъминлаш мақсадида бир қанча сиёсатларни амалга оширади. Биринчидан: ишсизликнинг фрикцион ва таркибий турлари ўсганда:

- қайтадан касб ўргатади;
- таълим бериш тизимини кенгайтиради;
- бўш иш жойлари ҳақидаги ахборотни кенг тарқатади;
- меҳнат биржаларига инвестицияларни кўпайтиради.

Иккинчидан, агар ишсизлик даврий хусусият касб этса, давлат бюджет, фискаль, кредит- пул воситаларини ишга солади, яъни:

- иш билан таъминлашни кучайтиради;
- тадбиркорнинг манфаатдорлигини ошириш учун ссуда ҳамда кредиторларнинг фоиз ставкаларини пасайтиради.
- ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчиларга солинадиган солиқларни камайтиради.

Учинчидан, давлат меҳнат бозорини ташкил этиш ва тартибга солишда:

- аҳоли сони, ёш ва жинсининг салмоғидаги ўзгаришларга;
- иш билан бандликдаги тармоқ ва ҳудуд ўзгаришларига;
- қўшимча ишчи кучини ишлаб чиқаришга жалб этиш мезонларига;
- ишлаб чиқариш ҳажмига, унинг ўсиш суръатига, ишлаб чиқариш таркибига;
- ишлаб чиқариш кучларининг ҳудудий жойлашуви каби омилларга алоҳида эътибор беради.

Ишсизликни камайтиришнинг энг асосий иқтисодий тадбирларидан бири халқ хўжалиги тармоқларида бозор талабига мувофиқ кичик корхоналарни барпо этишдир. Бу эса ишлаб чиқаришнинг ва хизмат кўрсатишнинг миқёсини оширишга қаратилган бўлиши даркор.

Бунга эса, меҳнат унумдорлигини ошириш, иш жойларининг моддий техникавий, технология ва сармоя таъминотларини яхшилаш, янги ноқишлоқ хўжалиги меҳнати зоналарини ташкил этиш, иш вақтидан унумли фойдаланиш, ишловчилар моддий манфаатдорлигини ошириш ва оқилона солиқлар орқали эришиш мумкин.

Республикамизда иқтисодий ислохотлар бошланган даврданок мамлакатимизда энг долзарб бўлган муаммо – аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш ва ишсизлик даражасини камайтириш масаласига катта эътибор қаратила бошланди. Мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича қатор чоратадбирлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Шу билан бирга уларни ҳаётга тадбиқ этиш учун қонуний ва меъерий асослар яратиш заруриятидан келиб чиқиб, шундай асосларни шакллантириш борасида қонунчилик фаолияти олиб борилди. 1992 йилнинг 1 январида қабул қилинган «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни шундай фаолият натижаларидан бири бўлди. 1998 йилда эса ушбу Қонуннинг янги тахрири қабул қилинди ва ўтган даврлар мобайнида унга баъзи бир ўзгартиришлар киритилди.

«Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни мамлакатда иш билан бандликни тартибга солишда ва ишсизлик масалаларини ҳал этишда, қўлланиладиган энг асосий қонуний ҳужжат бўлиб ҳисобланади.

Бундан ташқари республикада қабул қилинган қатор фармонлар, ҳукумат қарорлари, турли дастурлар мана шу долзарб муаммони ҳал этишга қаратилган.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, мамлакатда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар республикада ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилган. Бу соҳада юксак натижаларга эришган мамлакатлар, жумладан Швециянинг тажрибасини ижобий томонларини қўллаган ҳолда, Ўзбекистон меҳнат бозорида фаол сиёсат олиб борилмоқда. Бунда ишсизларга ишсизлик нафақаси тўлаб, уларни ижтимоий

ҳимоя қилиш билан бир қаторда, кўпроқ иш ўринлари яратиб, мамлакат фуқароларига даромад олиш ва уни ошириш учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йилнинг 5 январида эълон қилинган «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кучайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу Фармонга мувофиқ бундай фаолият тури, яъни касаначилик билан шуғулланувчилар меҳнати юридик мақомга эга бўлди. Юқоридаги фармон асосида бу фаолият турини жамиятнинг ҳар бир аъзоси манфаатига хизмат қилдириш имконияти юзага келди. Энг аввало, уй хўжалиги иши билан боғлиқ бўлган бу фаолият тури билан шуғулланувчилар фармон асосида тегишли тартибда ижтимоий суғурта бўйича нафақалар олиш ва пенсияга чиқиш учун иш стажи билан таъминланадилар. Шунингдек, фармонда касаначилар билан корпорация асосида ҳамкорлик қилувчи саноат корхоналари фаолиятида ҳам бир қатор имтиёзлар бериш кўзда тутилган. Корхона томонидан касаначига фойдаланиш учун берилган асбоб-ускуналар, инвентарларнинг улардан фойдаланиш даврида мулк солиғидан, касаначиларга буюртма берадиган корхоналарнинг келаси ойдан бошлаб меҳнат шартномаси асосида касаначиларга тўлайдиган маблағ билан тенг миқдорда меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан тўланадиган ягона ижтимоий тўловдан озод этилиши ана шу имтиёзлар жумласига киради. Шунга алоҳида эътибор бериш керак бўладики, фақатгина Ўзбекистонга хос бўлган маҳалла, маҳалла бўлиб яшаш тарзи касаначиликни ривожлантириш ва такомиллаштириш учун катта имкониятлар очади. қанчадан-қанча хотин қизлар уй бекалари хонадон шароитида зардўзлик, каштачилик билан шуғулланмоқдалар.

Муҳим иқтисодий тадбирлар мажмуасига қишлоқ хўжалиги ва қайта ишлаш саноатининг асосий маҳсулотларига талаб ва таклифга асосан истиқбол кўрсаткичларини белгилаш, кичик ёшдаги болалари бўлган ва кўп

болали оналарни, нафақахўр ва ногиронларни кафолатлаштирилган иш жойлари билан таъминлаш ҳамда турли ижтимоий – иқтисодий имтиёзлар бериш орқали уларнинг моддий манфаатдорлигини оширишни ҳамда иш билан таъминланишини яхшилашга эришиш киради.

Бинобарин, касаначилик тўғрисидаги фармонда таъкидланганидек, «Иш билан банд бўлмаган аҳолини ишлаб чиқаришга жалб этиш, оила бюджети даромадларини кўпайтириш, уй меҳнатидан фойдаланган ҳолда бутловчи қисмлар, тайёр маҳсулотларнинг айрим турларини ишлаб чиқиш ва баъзи бир хизматлар кўрсатишни ташкил этиш орқали йирик саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлиқни ошириш мақсадида касаначилиқни ривожлантириш асосий вазифалар ҳисобланади»

Шуни таъкидлаш керакки, Фармонда белгиланган вазифаларни амалга ошириш корхоналар, яъни иш берувчилар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Чунки, касаначи меҳнاتини ташкил қилиш билан боғлиқ бўлган ишлар – зарур бўлган хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва ярим тайёр маҳсулотларни касаначига бериш ва етказиш, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ташиб кетиш иш берувчилар зиммасига юклатилган. Бундан ташқари, касаначилар билан тузиладиган шартномада ишларни бажариш учун уларни зарур асбоб – ускуналар, жиҳоз ҳамда керакли инвентарлар билан таъминлаши ҳам кўзда тутилган. Демак, меҳнат фаолиятининг бундай турини кенг қўллаш учун, корхоналарнинг ҳам моддий-техника таъминоти юксак даражада бўлиши лозим.

Фармонда касаначиларни мажбурий тарзда техника хавфсизлигига ўқишиш кўзда тутилган. Бу эса ўз навбатида касаначиларни ўқитиш учун зарур базани яратишни тақозо этади. Айни пайтда касаначилиқни ривожлантириш корхоналарда янги иш жойларни яратиш учун сарфланадиган маблағларни тежаш имконини беради. Бу эса ўз навбатида тежалган маблағларни ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтириш, ишчи ходимлар меҳнатига тўланадиган иш ҳақини ошириш, турли ижтимоий тадбирларни амалга ошириш имкониятларини кенгайтиради.

Берилган имкониятлардан оқилона фойдаланиш корхоналар фаолиятининг самарадорлигини ошириш учун замин яратилиши билан бир қаторда, мамлакатда иқтисодий ўсишни юқори даражада таъминлаш учун ҳам имконият яратади.

Меҳнат ресурслари билан юқори даражада таъминланган, айниқса унинг қишлоқ жойларида касаначилик меҳнатидан фойдаланиш, бундай меҳнатнинг турларини кенгайтириш долзарб масала бўлиб ҳисобланади. Чунки Фармонда асосан йирик саноат корхоналари билан касаначилик меҳнатининг кооперацияси алоқалари тўғрисида сўз боради. Таъкидлаш жоизки, йирик саноат корхоналари асосан катта шаҳарларда жойлашган. Бундай ҳолат Фармонда белгиланган вазифаларни амалга ошириш имкониятларини маълум даражада чеклаб қўяди. Шунинг учун ҳам қишлоқ жойларида кўпроқ халқ хунармандчилиги анъаналарини тиклаш, фермер хўжаликлари имкониятларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Андижон вилоятида бундай имкониятлар мавжуд бўлиб, улардан фойдаланиш ишсизлик даражасини камайтириш, аҳолининг даромадларини ошириш ва натижада турмуш даражасини юксалтириш учун асос яратади.

Аҳолини иш билан таъминлаш унинг такрор ишлаб чиқарилиши учун зарур шартдир. Чунки кишиларнинг турмуш даражаси, жамиятнинг кадрлар танлаш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини яшириш, ишга жойлаштириш, ишсизларни моддий жиҳатдан қўллаб - қувватлаш учун сарф қиладиган чиқимлар аҳолини иш билан таъминланишига боғлиқдир. Иш билан бандлик инсон ижтимоий камолотининг энг муҳим томонларидан бирини очиб берадики, бу унинг меҳнат соҳасидаги ва меҳнат билан боғлиқ бўлган эҳтиёжларини қондиришга алоқадордир.

Иш билан таъминлаш муносабатлари иқтисодий, демографик ва ижтимоий жараёнлар мазмунининг ўзаро алоқадорлиги орқали шаклланади. Унинг иқтисодий мазмуни – ходим учун ўз меҳнати билан ўзига муносиб тарзда яшашни таъминлаш, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсишига ёрдам бериш имкониятида ўз ифодасини топади. Ижтимоий мазмун

– шахснинг таркиб топиши ва ривожланишида ифодаланади. Демографик мазмуни – иш билан таъминлаш аҳолининг ёш ва жинсий хусусиятлари, унинг таркиби ва бошқалар билан боғлиқлигида ўзини акс эттиради.

Иқтисодий сиёсат қуйидаги уч асосий мақсадга эришишни назарда тутади:

- таркибий қайта қуришни рағбатлантириш ва бўшаб қолган ходимларни қайта тақсимлаш жараёнини жадаллаштириш;

- ишсизларни меҳнат ҳаётига жуда тезлик билан жалб қилиш;

- иш қидираётганларнинг ҳар бирини иш билан таъмин этиш.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон меҳнат бозорида бир қатор йўналишлар мавжуд бўлиб, улар аҳоли бандлиги давлат хизматида тааллуқлидир.

Бу хизматларнинг асосий вазифаси меҳнат бозори ҳақидаги ахборотни тарқатиш, ҳисобига меҳнат бозорининг фаолият кўрсатиши самарадорлигини оширишдан иборатдир.

Бандликка кўмаклашиш марказлари ишсизларнинг бўш иш ўринлари қидиришларига, тадбиркорларнинг ходимлар қидиришларига сарф этиладиган вақтни қисқартиришни таъминлайди, иккинчидан, иш берувчиларнинг ўз талабларига энг кўп даражада мос келадиган ходимлар ёллашига ёрдам беради, ходимларга эса меҳнат шароитлари ва иш ҳақи даражаси мувофиқ келадиган иш жойини топишларига имкон беради.

Бундан ташқари, иш билан бандлик хизмати вазифаларига қуйидагилар киради: иш қидирувчиларга касблар бўйича маслаҳатлар бериш ва ишсизларни янги мутахассисликлар бўйича ўқитиш; ногиронлар, ёшлар, ҳарбий хизматдан бўшаб келган ёшлар ва фуқароларнинг ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилинишга муҳтож бўлган бошқа гуруҳлари учун иш жойларини банд қилиб қўйиш; иш кучини ҳудудлар бўйича қайта тақсимлаш; оддий йўл билан ишга кира олмайдиган фуқароларнинг (кўп болали ва ёлғиз ота-оналарнинг) иш билан бандлигига кўмаклашиш учун иш ўринларини қўллаб-қувватлаш; ишсизларнинг тадбиркорлик ва мустақил фаолияти билан

шуғулланишларига ёрдам кўрсатиш; оммавий ишдан бўшатишларни тўхтатиб қолиш учун компенсация тўловларини амалга ошириш.

Иш билан бандлик хизмати ишининг асосий тамойиллари халқаро тажрибага мос келади. Масалан, аҳолининг иш билан бандлиги тўғрисидаги қонунга кўра давлат фуқароларига ўзлари учун мос келадиган иш танлашда ва ишга жойлашда бепул ёрдам кўрсатади, ишсизларга бепул таълим олиш имконияти яратиб берилади, янги касбга ўқиётган вақтда стипендия тўланади, ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашиш имкони берилади, ишсиз фуқаролар даромадларини қўллаб-қувватлаш сиёсати амалга оширилади. Иш билан бандлик хизмати мурожаат қилган меҳнаткашларга ва иш берувчиларга ишга эга бўлиш имконияти ҳақида ва иш кучи билан таъминлаш тўғрисида, бирор касб эгаллашни истайдиган фуқароларга қўйиладиган талаблар ҳақида ахборотлар берилади; фуқароларнинг ўзларига мос келадиган иш топишларида, иш берувчиларга эса зарур ходимлар танлашда кўмаклашади. Иш билан бандлик хизмати иш берувчиларга ёшлар, ногиронлар, ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун иш ўринлари сақлаш ва яратиш дастурларини қўллаб-қувватлашни кафолатлайди. Саноати ривожланган мамлакатлардаги ишга жойлаштириш бюрolari каби республика иш билан бандлик хизмати органлари иш ўринларини таклиф қилиш ва иш кучига бўлган талаб ва таклиф тўғрисидаги статистик маълумотларни, ахборот материалларини эълон қилиб боришни таъминлайдилар.

Касб тайёргарлиги ва қайта тайёрлов меҳнат бозоридаги фаол сиёсатнинг асосий йўналиши ҳисобланади, чунки ҳозирги дунёда ишга эга бўлиш истикболи тез ўзгаришлар ва таркибий ислохотлар билан боғлиқ бўлиб, инсон капиталига қўйилган маблағлар билан юқори сифатли маълумот ва замонавий касб эгаллашга ёрдам беради, булар ишсиз бўлиб қолишдан кафолатлайди. Тадқиқотлар шундан далолат берадики, юқори малакали ходимлар учун хос бўлган ишсизлик малакасиз ходимлардагига нисбатан 4—7 барабар камдир.

Шунинг учун ҳам дунёдаги барча мамлакатларда ишсизлар ва ишсиз қолиш хавфи остида турган ходимларнинг касб тайёргарлиги ва уларни қайта тайёрлашдан иборат турли-туман дастурлар ишлаб чиқилмоқда. Бунда мазкур дастурлар биринчи навбатда олдинги касб малакаси иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларга, ишчи ўринларининг янги касбий тузилишига жавоб бермайдиган кишиларга, шунингдек, аҳолининг заиф ҳимояланган қисмига (ҳозирча зарур касбий тайёргарликка эга бўлмаган ёшларга, меҳнат бозорига қайтишга қарор қилган аёлларга; касбга йўналтиришга эҳтиёж сезадиган ногиронлар ва бошқаларга) қаратилган. Кўпинча таълим олиш учун номзодларни давлат иш билан бандлик хизмати аниқлайди.

Касб тайёргарлиги ва қайта тайёрлов дастурлари давлат, тадбиркорлар ва касаба уюшмаларининг иштирокида ишлаб чиқилади ва амалга оширилади. Бу дастурларнинг бевосита ташкилотчиси кўпинча давлат иш билан бандлик хизмати ҳисобланади, у марказлар ва ўқув курсларининг махсус ташкил этилган шахобчаларда, шунингдек, ўқув юртлари ёки корхоналар билан тузилган шартномалар асосида ташкил этади; таълим олувчиларга стипендиялар тўланади.

Иш билан бандлик хизмати давлат манфаатларини кўзлаб иш олиб боради, ишсизларнинг таълим олиши ва қайта ўқишини уларга маблағлар ажратиш шаклида нафақалар тўлаш орқали рағбатлантиради. Давлат корхоналар ходимларининг таълим олиши учун ажратилган маблағлар ҳисобидан солиқларни олиб ташлаш орқали тадбиркорларни ҳам рағбатлантиради.

Аҳолининг иш билан бандлиги тўғрисидаги қонунда ишсиз фуқаролар ҳам иш билан бандлик хизмати йўлланмаси билан бепул касб танлаш, касб тайёргарлиги, қайта тайёрлаш ва малака ошириш ҳуқуқига эгадирлар, деб таъкидланган. Мазкур ҳуқуқлар Қонуннинг бошқа моддалари ва бандларида ҳам кафолатланган.

Меҳнат бозоридаги фаол сиёсатнинг ана шу йўналишини амалга оширишдаги асосий мураккаблик иқтисодиётнинг бўлажак касб-малака

тузилиши тўғрисида, ўрта ва узоқ муддатли истиқболда касб соҳасидаги меҳнатга бўлган эҳтиёж қандай бўлиши ҳақидаги ахборотнинг етишмаслигидадир. Яна бир муаммо ишдан маҳрум бўлган шахсларнинг касбий жиҳатдан қайта тайёрланишга кам талаб билдиришидир, чунки улар олдинги касблари бўйича ишга жойлашишга умид қиладилар. Меҳнат бозоридаги фаол сиёсатнинг мазкур йўналишини ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи омил иш билан бандлик хизмати фаолиятини молиявий жиҳатдан таъминлашнинг чекланганлиги ҳамдир.

Мустақил иш билан бандлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш тизими. Ҳозирги вақтда меҳнат бозоридаги фаол сиёсатни амалга ошириш соҳасидаги фаолият доирасида мустақил иш билан бандликни ривожлантириш, тадбиркорлик малакаларини ўргатиш ва кичик бизнесни ташкил этишга кўмаклашиш дастурлари муҳим аҳамият касб этади. Меҳнат бозоридаги сиёсатнинг бу йўналиши энг муҳим ижтимоий вазифани - янгича меҳнат дунёқарашини шакллантиришдир.

Ишсизлар агар ўзларининг мустақил ишларини ташкил этишни хоҳласалар, иш билан бандлик хизматига зарур асослаш билан (бизнес-режа билан) лойиҳалар танловида иштирок этиш ҳақида ариза берадилар, бу ерда унинг режасини мутахассислар кўриб чиқиб, ўз хулосаларини берадилар. Агар илтимос қондириладиган бўлса, у ҳолда янги тадбиркор учун бошланғич капитал сифатида унга муайян муддатга бериладиган ишсизлик нафақасининг бутун суммаси хизмат қилади ва бир йўла тўланади.

Маълумки, одамларнинг фақат 3—5 фоизида ўз ишини ташкил этиш ва юритишга майл ҳамда қобилият бўлади. Ана шундан келиб чиқиб, иш билан бандлик хизматининг вазифаси ўзига мурожаат қилганлардан ўз фирмасини очиши мумкин бўлганларни танлаб олишдир. Иш билан бандлик хизматининг яна бир вазифаси мустақил меҳнат фаолияти билан шуғулланишни истайдиганларни ўқитишдир. Бу кишилар ишга доир асосий кўникмаларни (нарх белгилаш асослари, муҳосиблик ҳисоби, режалаштириш ва ҳоказо) ўқиш жараёнида эгаллаб чиқадиладар. Иш билан бандлик

хизматининг вазифаси тадбиркорга мустақил иш билан бандлик нималарни билдиришини (масалан, ижтимоий неъматларнинг бирмунча қисқариши, иш вақтининг давомийлиги бирмунча ортиши, юқори даражадаги таваккалчилик, хонавайрон бўлиш эҳтимоли борлиги, қонунларнинг ҳали тўла мукаммал эмаслиги ва ҳоказоларни) тушунтиришдир.

Янги тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш яна қуйидагиларни ўз ичига олади: маслаҳат хизматларини кўрсатиш, имтиёзли қарз бериш, ишлаб чиқариш бинолари, хом ашё билан таъминлаш, хом ашё етказиб берувчилар билан алоқа ўрнатиш ва тайёр маҳсулотни сотиш.

Ҳозирги вақтда мустақил шуғулланиш ва тадбиркорлик ташаббуси асосида кичик ишлаб чиқариш корхоналарининг шаклланиши кенг истиқболга эгадир. Ҳозир иш билан бандларнинг қарийб 15 фоизи мулкчиликнинг барча шаклларидаги кичик корхоналарда меҳнат қилмоқда. Шундай ҳодисалар, чунончи, хусусийлаштириш, рақобатнинг кучайиши муносабати билан корхоналар ҳажмининг қисқариши, оммавий ишлаб чиқаришдан мослашувчан ихтисослашувга ўтилиши, шунингдек, таркибий қайта қуриш жараёни, мутахассисларнинг фикрича, ўтиш иқтисодиётига эга бўлган бошқа мамлакатлардаги каби йирик фирмалардаги янги иш ўринлари кичик корхоналарга нисбатан камроқ бўлади.

Жамоат ишлари дастурлари. Иш билан бандлик хизмати меҳнат бозорида амалга оширадиган фаол сиёсатнинг навбатдаги йўналиши ишсизларга вақтинча ва жамоат ишларининг дастурларини ривожлантириш орқали меҳнат бозорига қайтишда ёрдам кўрсатишдир.

Кўпинча жамоат ишлари тўлиқ бўлмаган иш куни мобайнида давом қилади, бундан мақсад вақтнинг бир қисмини касб тайёргарлигига ёки доимий иш қидиришга бағишлашдир. Мазкур дастурларнинг қатнашчилари одатда энг кам иш ҳақи оладилар.

Вақтинча ишларнинг ташкил этилиши бир қатор тамойилларга асосланган. Вақтинча ишлар бандлик хизмати томонидан бевосита ёки бошқа ташкилотлар билан шартномалар тузиш орқали амалга оширилади:

1) бу ишлар айнан вақтинча бўлиши ва улар одатдаги иш ўринлари билан рақобатга киришмаслиги керак. Бунинг маъноси шуки, бундай ишлар жамоат ишларининг махсус дастурларисиз амалга оширилмаслиги лозим;

2) бундай ишларнинг қатнашчилари фақат чекланган вақт мобайнида шуғулланишлари мумкин, масалан, 1 йилгача, кейин нормал ишга жойлашиш имконияти пайдо бўлиши билан дарҳол бу дастурларни янгилашлари мумкин.

Вақтинча ёки жамоат ишлари дастурларининг самарадорлиги;

- биринчидан, қўшимча иш ўринлари яратишда намоён бўлади (мутахассисларнинг берган баҳосига қараганда, жамоат ишлари соҳасида ҳар 100 та иш ўрни бошқа секторларда 40 та доимий иш ўринлари пайдо бўлишига олиб келади):

- иккинчидан, ишсизларни руҳий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни таъминлашда намоён бўлади (ҳаммага маълумки, иш билан бандларнинг руҳий ҳолати ишсизларнинг ҳолатидан анча яхшироқдир).

Ўзбекистонда давлат бандлик хизмати 1991 йилда ташкил этилган эди. Республика аҳоли бандлик хизмати ишининг асосий тамойиллари халқаро амалиётга мувофиқ келади. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон аҳоли бандлиги хизмати минтақаларда (вилоятлар, шаҳар ва туманларда) ишлаб турибди.

Аҳолининг бандлигига кўмаклашиш билан боғлиқ хизматлар бандлик хизмати органлари томонидан бепул кўрсатилади. Бозор муносабатларининг ривожланиши бандликнинг нодавлат хусусий характеридаги тузилмаларини ҳам ташкил этилишига имкон бермоқда.

3.2. Кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва сервис соҳасини ривожлантириш билан ишсизликни камайтириш истиқболлари

Республикамизнинг иқтисодий тараққиёти, иқтисодий мустақиллиги, халқининг фаровон турмуш даражаси, қолаверса меҳнат ресурсларининг иш билан бандлик даражаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожини билан боғлиқдир. Бу ҳолат эса корхоналарнинг иқтисодий эркинлигини рағбатлантириш даражасининг ривожланиши билан тавсифланади.

Истиқболда иқтисодиёт тармоқларида ҳам ўзгаришлар юзага келади. Бу ҳолат ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши асосида рўй беради.

Умумий саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришда истиқболда ўзгаришлар саноат соҳасига талаб натижасида содир бўлади, шунингдек қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи кичик корхоналарнинг ривожланиши ҳисобига бу соҳа янада юксалади. Савдо айланмасининг тўлиқ мувофиқлашуви натижасида бу соҳада кўрсаткич улуши пасайиши содир бўлади.

Худудларнинг машинасозлик ва металлга ишлов бериш, енгил саноат, айниқса, трикотаж, тикувчилик буюмлари тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган соҳаларида кичик бизнеснинг ўрни ва улуши етарли даражада эмас. Ваҳоланки барча соҳада ишлаб чиқариш фаоллиги тенглашса, ижобий натижаларга эришамиз.

Республикамизда кичик корхоналар томонидан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ўсишини яратилган имкониятлардан фаоллик билан фойдаланиш эвазига таъминлаш мумкин. Бизнинг ҳисобларимизга кўра, 2015 йилга бориб, республика бўйича кичик бизнеснинг ишлаб чиқарилган ЯИМ ҳажмидаги улушини 61,1 фоизга етказиш, кичик тадбиркорлик корхоналарининг йиллик маҳсулот ишлаб чиқаришининг ўсиши 2,5 фоиздан кам бўлмаган ҳолатдагина амалга ошади. Албатта бу кўрсаткич ривожланган давлатларда, масалан АҚШ да 75-82 фоиз, Японияда 81 фоизни, Италияда 74 Республикамиз кичик бизнеснинг бундай кўрсаткичларга эришиши

тадбиркорлик фаоллиги орқали амалга ошади. Истиқболда кутиладиган натижалар асосан кичик тадбиркорликнинг фаол ривожланиши эвазига рўй беради. Бу эса улар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдорининг ўсиш динамикасини таъминлайди

Худудлар бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг истиқболда ўсиб бориш динамикасини корхоналар миқдорининг ўсиб бориш ҳолати бўйича таҳлил этсак, бу ҳолат қўшимча янги кичик корхоналарнинг ташкил этилиши ҳисобига амалга ошади.

Хусусий тадбиркорликни тараққиёти унинг инфратузилмасини қай даражада ривожланганига боғлиқ. Давлатимиз раҳбари И. Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисидаги маърузасида бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада еркинлаштириш хусусида тўхталиб, эркин тадбиркорлик учун кафолатларни таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, бозор инфратузилмасини шакллантириш йўлидаги мавжуд ва ғов тўсиқларни бартараф этиш зарурлигини алоҳида таъкидлади.²³

Инфратузилма муассасаларининг мақсади: ахборот, маслаҳат, ўқитиш, башорат таҳлил, илмий-техника, молиявий (кредит ресурслари) хизматлар билан таъминлаш орқали кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш учун ижобий шарт-шароит яратиш ва амалга оширишдан иборат.

Хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда бозор инфратузилмаси, яъни инфратузилма муассасалари кичик бизнес субъектларининг товар ва хизматлар бозори, пул бозори, меҳнат ресурслари бозори, капитал бозори, шунингдек, банк тизими, нобанк молиявий институтлар тизими, улгуржи воситачилик тузилмалари, консалтинг ва аудиторлик хизматлари бозори, меҳнат биржалари ва бошқа қанча муассасалар билан бўладиган ўзаро алоқаларини таъминлайди. Хозир бозор инфратузилмасини янада ривожлантириш зарурати бор, чунки бусиз бозор иқтисодиёти ишлаб кета

²³ И.А.Каримов. "Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлаштириш, янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир", Тошкент оқшоми, 31 январь 2005 йил.

олмайди. Бозор инфратузилмаси бозорнинг барча турларига, чунончи, товар бозори, молия бозори ва меҳнат бозорига хизмат кўрсатади. Бозор инфратузилмасини бирданига яратиш бўлмайди. У анча узоқ давом этадиган мураккаб жараён бўлиб, юксак маҳоратга эга малакали кадрлар, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар ҳам, хўжалик фаолиятининг янги шaroитларига руҳан мослашишини талаб этади.

Бозор инфратузилмаси деганда, бозор иқтисодиёти учун хизмат кўрсатувчи ҳар хил соҳалар тушунилади ва улар жумласига тижорат банклари, биржалар, аукционлар, савдо уйлари, ташқи савдо фирмалари, давлатнинг ташқи савдо маҳкамалари, божхоналар, солиқ, идоралари, тижорат ва соҳибкорлик идоралари, савдо-сотиқ, уюшмалари, воситачи фирмалар, консернлар, консорциумлар ва бошқалар киради. Бундан кўриниб турибдики, бозор инфратузилмаси умумий иқтисодий фаолият билан боғлиқ барча жабҳаларни қамраб олади. Фикримизча, хусусий тадбиркорлик фаолияти бозор иқтисодиётининг таркибий қисмларидан бири сифатида ушбу инфратузилма объектларининг умумий фойдаланувчиси ҳисоблансада, шу билан бир қаторда ўзининг ташкил топиш, амал қилиш ва ривожланиш хусусиятларидан келиб чиқувчи махсус инфратузилма объектларига ҳам боғлиқлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Чунки бозор инфратузилмасининг юқорида санаб ўтилган унсурлари билан бизнес мактаб, бизнес инкубатор, суғурталаш ва молиялаш муассасаларининг мазкур соҳага таъсири бир хил даражада бўлмайди.

3.2.1-жадвал

Иш ўринларини яратишнинг асосий йўналишлари
--

	Йўналишлар	
1.	Янги объект, иншоотларни қуриш	Инвестиция дастурлари, бошқа тармоқ дастурларига киритилган объектларни қамраб олади, кўп капитал маблағ ва харажатларни талаб этади, яратиладиган 1 иш ўринининг қиймати юқоридир
2.	Мавжуд корхоналарни модернизациялаш	Кўп ташки омилларга боғлиқ
3.	Ишлаб чиқариш қувватларидан тўлароқ фойдаланиш	Корхоналарни иқтисодий ва молиявий барқарор фаолият олиб борилишини талаб қилади
4.	Кичик корхоналар ва микрофирмаларни ташкил этиш	Қўшимча катта инвестицияларни талаб қилмайди, иш билан таъминлашнинг асосий йўналиши
5.	Якка тадбиркорликни ривожлантириш	Барқарор, доимий бўлмаган иш ўринларини яратилиш хавфи бор
6.	Фермер хўжаликларини ривожлантириш	Уларни самарали фаолияти натижасида қўшимча иш ўринлари барпо этиш имкониятларини сафарбар қилиш керак
7.	Касаначилик, уй меҳнати, оилавий тадбиркорлик ҳисобига, жами	Ишсиз ва иш билан таъминлашга мухтож аҳолини таркибидан келиб чиқиб ўта муҳим ва самарали йўналиш
8.	Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш	Асосан давлат маблағлари ҳисобидан қуриладиган объектлардан иборатдир
9.	Бозор инфратузилмасини ривожлантириш	Бу соҳага ишлаб чиқарувчиларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган корхона ва ташкилотлар киради

Манба: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши билан мамлакатимизда ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш вазифасини бевосита ҳал қилишга эришамиз. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик аҳоли бандлигини таъминлайдиган ва унинг асосий даромад манбаи бўлган муҳим соҳага айланади.

Мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш, айниқса, қишлоқ жойларида қўшимча иш ўринларини яратиш масаласи мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бош вазифаларидан бири ҳисобланади. Айниқса, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш билан ишсизлик миқёсларини камайтириш мумкин.

Иқтисодиётда йириклашиб бораётган ушбу хизмат кўрсатиш соҳаси моддий ва молиявий ресурсларни ўз жойида ишлатишда, меҳнат ресурсларидан ўз вақтида фойдаланишга имкон яратади. Шу билан бирга

бошқа соҳа вакилларининг вақтдан унумли фойдаланишга замин яратади, меҳнат бозорида бандликни оширади, ишсизликни камайишига туртки бўлади ва шу орқали аҳолининг барча ижтимоий гуруҳларининг ҳаётий манфаатлари учун хизмат қилади, десак муболаға бўлмайди.

Хизмат кўрсатишни номоддий ишлаб чиқариш билан ҳамоҳанг дея эътироф этиш мумкин. Хизматларга кўпинча моддий қимматликлар яратмайдиган барча фойдали фаолият турлари киритилади, яъни у ёки бу фаолият турини хизматлар соҳасига киритишнинг асосий мезони бўлиб, ушбу соҳада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг кўринмайдиган тавсифи ҳисобланади. Бундан фақат баҳра олинади, эҳтиёж қондирилади, талаб ва таклиф мувозанатлашади. Амалиётда хизматлар соҳаси кўплаб фаолият турларининг мажмуаси сифатида қаралади. Масалан, суратга олиш хизматлари (натижаси: сурат), компьютер хизматлари (натижаси: ахборот ёзилган қоғоз, текширилган электрон почта ва ҳ.к), ўқув марказлари (натижаси: диплом ёхуд эгалланган малака, кўникма).

Иқтисодиётда талаб ва таклиф қонуни амал қилаётган экан, бозордаги аҳоли талабидан келиб чиқиб, таклиф қилинаётган хизматлар бугунги кунда тадбиркорларга катта фойда келтирмоқда.

Ватанимиз иқтисодиётида ҳозирги кунда хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши юқори суръатлар билан ўсиб бормоқда, айниқса:

- аҳолига маиший хизмат кўрсатиш;
- йўловчи ташиш транспорти хизмати;
- алоқа хизмати;
- уй-жой хўжалиги хизмати;
- коммунал хизматлар;
- таълим тизими хизмати;
- жисмоний тарбия ва спорт хизмати;
- соғлиқни сақлаш (тиббий) хизмати;
- санатория-курорт ва соғломлаштириш хизмати.

Юқорида келтирилган хизмат турларининг айримлари ўз функциялари жиҳатидан уларни тўлдирувчи, янги пайдо бўлган хизматлар турлари сифатида такомиллашиб бормоқда. Буни бозор ва истеъмолчилар эҳтиёжлари ўзаро мослашишининг натижаси сифатида эътироф этишимиз мумкин.

Айни кунда жаҳоннинг бошқа давлатларидаги сингари Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодиётнинг мустақил соҳасига айланмоқда. Бу ҳолатни изоҳлашда қўйидаги сабабларни келтиришимиз мумкин деб ўйлаймиз:

- иқтисодиётда хусусийлаштириш жараёнларининг жадал бориши ҳисобига, яъни мулк шакллариининг ўзгартириш жараёнлари ўз навбатида боқимандаликни олдини олди ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига ташкилотларга ҳамда аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш такомиллашиб борди;

- иқтисодий инфратузилманинг замонавийлашуви ҳисобига янгича хизмат турларига эҳтиёж пайдо бўлди (компьютер, замонавий техника ва технологияларни таъмирлаш ва ҳ.к.);

- бир кичик хизмат тури иккинчи бир кичик хизмат турини пайдо бўлишига туртки бўлди (комьютерлаштириш ва компьютер хизматлари ривожланиши ўз навбатида интернет провайдерлар хизматларига замин яратди);

- қўплаб янги хизмат турлари пайдо бўлди (бухгалтерлик хизматлари, комьютер ва интернет хизматлари, тўлов хизматлари (масалан, Paynet онлайн тўлови) ва ҳоказо);

- ўз навбатида хизмат кўрсатиш корхоналари орасида кучли рақобатни юзага келтирди ва кучайтирди.

- давлатнинг иқтисодиётга қисман аралашувидан келиб чиққан ҳолда юзага келувчи бошқа сабаблар.

Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, иқтисодиёт соҳаларини қонун асосида эркинлаштириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ижтимоий-иқтисодий устуворликларни босқичма-босқич амалга ошириш Республикамизда хизмат кўрсатиш соҳасини юқори суръатларда ривожланишига замин яратмоқда.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-325-сон Қарори ва 2007 йил 21 майдаги “Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-640-сон Қарори, қолаверса, “Корхоналар ва уйда маҳсулот ишлаб чиқараётган ва хизматлар кўрсатаётган фуқаролар ўртасидаги кооперацияни мувофиқлаштириш, қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича ишчи комиссия тўғрисида” Низом ҳамда “Корхоналарнинг буюртмалари бўйича маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш учун касаначиларга асбоб-ускуналар ва анжомлар бериш тартиби тўғрисида” Низом ишлаб чиқилгани ва шунга ўхшаш кўплаб меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар бунга яққол далилдир.

Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш дастури қабул қилинган.

Дастурнинг мақсади – хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш учун қулай шароит яратиш, унинг иқтисодиётдаги улушини ошириш, хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларида банд бўлганлар сонини кўпайтириш ва шу асосда аҳоли даромадларини ошириш ҳамда ички истеъмол бозорини замонавий, сифатли хизмат турлари билан тўлдиришдан иборат.

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- соҳаларда тадбиркорларнинг фаоллигини кучайтириш учун қулай шарт-шароит яратиш;

- қишлоқ аҳолисига кўрсатиладиган хизматлар ҳажми ва турини кўпайтириш;

- янги истиқболли хизмат турларини жадал ривожлантириш;

- хизматлар экспорти ҳажмини ошириш;

- хизмат кўрсатиш соҳалари учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ва ҳоказолар.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг ўсишида эришилаётган ижобий натижалар давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тармоқлар ва ҳудудларга берилаётган имтиёзлар, ажратилаётган кредит маблағлари ва бошқа кўрсатилаётган молиявий ёрдам, енгилликлар ҳисобига бўлмоқда.

Шу билан бирга, хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланишида дастур топшириқларини ўзлаштиришда айрим камчиликларга йўл қўйилаётганлиги, мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмай келинаётганлиги, уларни камайтириш олдимизда турган асосий вазифаларимиздан бири эканлигини таъкидлаш жоиздир.

Айниқса, хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлаётган ҳар бир жисмоний ва юридик шахс ҳуқуқий ва молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватланишга муҳтожлиги эътиборга олиниши лозим.

Транспорт хизматлари ҳажми асосан енгил автомобилларда йўловчиларни ташиш ҳисобига эришилмоқда, тармоқда рақобат яратиш учун катта имкониятлар мавжуд. Шундай бўлсада, енгил автомобиль ҳайдовчиларининг маълум сонияларда ўз касбларини “киракаш”ликка ўзгартириб туришлари қайсидир маънода йўловчиларга енгиллик туғдираётган бўлса, солиқ ва йўл ҳаракати хавфсизлиги органларига муаммо туғдирмоқда. Хизмат кўрсатиш соҳасида шунга ўхшаш кўплаб муаммолар оптимал ечимини топиши учун илмий жиҳатдан чуқур таҳлил ва мулоҳазаларга эҳтиёж сезмоқда.

Иқтисодиётни барқарорлашувини таъминлаш мақсадида ҳамда келгусида мамлакатда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб биламиз:

- хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси ривожи учун меъёрий-ҳуқуқий базани ишончли равишда такомиллаштириш;

- хизматлар бозорини ўрганишда хизматларга бўлган талабни белгиловчи ҳар бир омил, таъсир этувчи ҳар қандай куч иқтисодий таҳлил қилиниши ва ушбу соҳада фаолият кўрсатувчи жисмоний ва юридик шахсларнинг рақобат устунликлари манбаларини илмий ўрганиш, чуқур таҳлил қилиш ва амалий таклифлар ишлаб чиқиш;

- амалдаги мумкин бўлган таваккалчиликларни хизмат кўрсатиш соҳаси диверсификациясини амалга ошириш орқали камайтириш. Бунда жаҳоннинг ривожланган хорижий мамлакатлари тажрибаларидан ва тадқиқотларидан унумли фойдаланиш;

- бир функцияли замонавий хизмат турларини битта юридик шахс (фирма, корхона ёки ташкилот) фаолияти миқёсида бирлаштириш;

- барча хизматлар ривожи ва истиқболи учун замин бўлиб хизмат қилувчи айрим хизмат турларини, хусусан юридик, консалтинг, маркетинг ва реклама хизматларини кенг миқёсда ривожланишига замин яратиш;

- жамиятда эҳтиёж пайдо бўлган хизматларнинг янги турларини хизмат кўрсатувчи (жисмоний ва юридик шахслар) таклифларини илмий тадқиқ этган ҳолда ривожлантириш ва йўлга қўйишни таъминлаш;

- хизматлар соҳасида рақобат муҳитини яратиш ва шакллантиришда тўсқинлик қилувчи омилларни ўрганиш ҳамда бартараф этиш йўллари топиш;

- тегишли ташкилотлар хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси ривожланиши устида доимий мониторингни амалга ошириш, даврий ўзгаришлар ҳақида амалий таклифлар киритиб туриш;

- аҳоли бандлигини ошириш ва 2009-2012 йилларга мўлжалланган

“Инқирозга қарши чоралар” Давлат дастури доирасидан келиб чиқиб қишлоқ аҳолисини хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига кенгроқ жалб қилиш ва бошқалар.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, иқтисодий ислохотларни амалга оширишда хизматларни сертификатлаштириш ҳам катта аҳамиятга эга.

Дунёнинг ривожланган мамлакатларида рецессия ва ялпи ички маҳсулот ўсиш суръати пасайиши давом этаётган бир пайтда, энг аввало, кейинги йилларда қабул қилинган ва амалга оширилаётган ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича кенг кўламли дастур самарасида мамлакатимиз иқтисодий ривожланиши юқори суръатларининг сақланиши таъминланмоқда. Бу дастур, авваламбор, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилашга, унинг таннархини пасайтиришга ва шу орқали мамлакатимизда тайёрланаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини янада кучайтиришга йўналтирилган. Ўзбекистон Республикасининг Бутун Жаҳон Савдо Ташкилоти (World Trade Organization)га кириш жараёнидаги музокараларнинг мураккаб жараёни хизматлар соҳаси ҳисобланади. Хизматлар билан савдо қилиш бўйича Бош келишувга қўшилиш фақат техник тўсиқлар бўйича масалаларни эмас, балки жисмоний шахслар, инвестицияларнинг ҳаракатланиш қоидалари ва бу соҳадаги ички тартибга солинадиган бошқа муаммоларни ҳам ўз ичига олади. Ўзбекистон ва унинг барча минтақаларида кўзланган мақсадига эриша олиши учун ҳар томонлама имкониятлари бисёр.

Хулоса ва таклифлар

Ушбу битирув малакавий ишимизда иқтисодиётни модернизациялаш шароитида Ўзбекистон Республикаси ва Андижон вилоятида мавжуд ишсизлик муаммоларини хал қилиш механизмининг илмий-назарий ва

амалий жиҳатлари тадқиқ қилинди. Бунда Республика ва вилоятимиздаги ҳудудий хусусиятларга, ишсизликнинг ёш, малака ва жинс таркибига, битирувчи ёшларни ишга жойлаштириш масаласига, иш билан таъминлашга муҳтож бўлган аҳолига кўрсатилаётган хизматлар, жаҳон мамлакатларида ишсизлик даражаси ва меҳнат бозори ҳолатига, ишсизлик муаммолари ва уни камайтириш механизмини такомиллаштиришга алоҳида аҳамият берилди.

Юқоридагиларга хулоса қилиб, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳудудий меҳнат бозори - замонавий юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқариш талабларига жавоб бера оладиган ишчи кучини қайта ишлаб чиқаришда муҳим роль ўйнайди. Айни пайтда ишсизликни камайтириш бўйича олиб борилаётган ишлар эса меҳнат бозоридаги вазиятни юмшата олади.

Бугунги кунда мамлакатимизда кичик тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар жадал суръатлар билан амалга оширилмоқда. Худди шунингдек, Андижон вилоятида ушбу соҳаларни ривожлантириш асосида ишсизликни камайтиришга катта эътибор қаратилганлиги сир эмас.

Битирув малакавий иши юзасидан амалга оширилган натижаларни умумаштириб қуйидаги хулосалар ишлаб чиқилди:

1. Меҳнат бозори вилоятда бозор ҳўжалигининг бир қисми бўлиб, у тўлиқ бандликни ва ишсизликни тўла бартараф қилишни кафолатламайди. Фикримизча, ишсизликни камайтиришда бутун бозор ҳўжалигини яхлит ривожлантириш яхши натижа беради.

2. Ишсизликни бартараф этишнинг мақсади икки йўналишда амалга оширилади:

-биринчидан, юзага келадиган тўла бандликни қўллаб-қувватлаш, ишсизликка йўл қўймаслик, меҳнат ресурслари ривожини, бандлик кафолатини бериш ва ишсизлар даромадларини ушлаб туришдир.

-иккинчидан, ишчи кучига талаб ва таклифни мос келишини ва ходимларнинг меҳнат бозори конъюктурасига мос равишда меҳнат ва касбий ҳаракатчанлигини тартибга солишдир.

3. Ишсизликни камайтириш бўйича қуйидаги йўналишлар давлат томонидан амалга оширилади:

-иқтисодий ўсиш имкониятларини яхшилаш учун меҳнат ресурсларини ривожлантириш ва уларни таркибий ўзгаришларга мувофиқлаштириш;

-меҳнат бозорида тенг рақобатлаша олмайдиган аҳоли гуруҳлари иш билан бандлиги имкониятларини яхшилаш, иш билан бандликка бўлган қобилиятини ошириш йўли билан ижтимоий тенгликка кўмаклашиш;

-иқтисодий пасайиш даврида иш билан бандликни барқарорлаштириш, иш кучининг таклифи унга бўлган талабга мос келиши учун шарт-шароитлар яратиш;

-сармоя сиёсатини такомиллаштириш, янги иш ўринларини яратиш учун капитал қўйилмалар салмоғини ошириш;

-иш ҳақини ошириш йўли билан ходимларни рағбатлантириш;

-аҳоли бандлиги бўйича махсус давлат дастурларини ишлаб чиқиш.

4. Битирув малакавий ишида Андижон вилоятидаги янги иш ўринлари яратиш, тармоқлар бўйича яратилаётган янги иш ўринлари таҳлил қилинди. Таҳлиллар яратилаётган янги иш ўринларининг асосий қисми хусусий секторда эканлигини кўрсатмоқда. Умуман олганда хусусий сектор фаолиятини давлат томонидан тартибга солишда муаммолар юзага келиши табиий, албатта. Шунга мувофиқ янги яратилаётган иш ўринларини давлатнинг расмий секторида ҳам кўпроқ барпо этиш мақсадга мувофиқ.

5. Меҳнат бозорининг асосий кўрсаткичларидан бири бу ишсизларни ишга жойлаштириш даражасидир. Фаолиятнинг бу турида янги иш ўринларини яратиш бир томондан ишсизлар сонини ўсишини бирмунча ушлаб турсада, бевосита тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ ишчи ўринларини яратишни талаб этади.

Юқоридаги хулосалар билан бир қаторда, битирув малакавий ишини ёзиш жараёнида ишсизлик муаммоларини хал этишга доир таклифлар ва амалий тавсиялар ҳам ишлаб чиқилди:

1. Вилоятда бозор муносабатларига ўтиш иқтисодиётдаги туб таркибий ўзгаришлар билан бормокда. Натижада ишлаб чиқаришнинг ишчи кучига бўлган эҳтиёжи ҳам тўхтовсиз ўзгариб бормокда. Шунинг учун ишчи кучига бўлган талаб ва таклифни, меҳнат бозорига кириб келаётган аҳолининг асосий тоифалари меҳнат жараёнига кираётган ёшларни, ишлаб чиқаришдан бўшаётган ишчилар мутахассисларни, олдиндан ишламаётган, ишга жойлашишга муҳтож бўлган аҳолини ҳисобга олиш статистикасини такомиллаштириш зарур.

2. Турли мулкчиликни шакллантирилаётган шароитда хусусийлаштириш жараёнлари иш жойларини муқобил танлашни кенгайтириш, турли мулк шаклларидаги корхоналар буйича ишчи кучини тўғри тақсимланишини зарур қилиб қўяди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарида янги иш ўринларини яратишда солиқ томонидан имтиёзлар бериш орқали хусусий секторда яратилаётган янги иш ўринлари сонини ошириш мумкин.

3. Янги тараққий этган тармоқлар ва фаолият турларини ривожлантириш йули билан янги иш жойлари барпо этиш. Бундай тадбирни амалга оширишда саноат, хусусий тадбиркорликка, хизмат кўрсатиш, тайёр тўқимачилик маҳсулотлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга асосланган бошқа соҳаларга тақсимлашга аҳамият бериш керак бўлади. Бу эса ўз навбатида қишлоқ жойларида меҳнат фаолияти турларини янада кенгайтириш имкониятини беради. Бундан ташқари бу тадбирлар иш билан бандликнинг тармоқ ва малака таркибини такомиллаштириш, қишлоқ жойларида ишсизлик миқёсининг ошиб кетишини олдини олиш ва ниҳоят ялпи маҳсулотнинг кўпайиши учун замин яратади;

4. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига таклиф қилинган ишчи кучининг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида ишсиз ва иш билан банд

бўлмаган барча аҳолини касбга йўналтиришнинг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш;

5. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида ходимларнинг оммавий ишдан бўшашининг олдини олиш, амалдаги иқтисодий мақсадга хос ишчи ўринларини сақлаб қолиш ва янгиларини яратиш;

7. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси билан бирга бошқа соҳаларда ҳам меҳнат фаолиятига қадам қўяётган ёшларга бериладиган ижтимоий кафолатларни кўпайтиришга, илк бора иш қидираётган ёшларга алоҳида йўналтирилган чора-тадбирларлар ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқариш;

8. Республика миқёсида бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларини иш билан банд бўлмаган фуқароларга кўрсатадиган хизматлари, шу жумладан уларни қайта тайёрлаш ва ишга жойлаштириш бўйича кўрсатиладиган хизматлар тури ва сифатини кенгайтириш;

9. Ишсизликни камайтириш соҳасида қонунчилик базасини ривожлантириш ва давлат назорати механизмларини кучайтириш мақсадга мувофиқдир.

Фикримизча, юқоридаги тадбирларни амалга ошиши нафақат Андижон вилоятида, балки бутун мамлакатимизда ишсизликни камайтишини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2004, –31 б.

- 1.2. Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнат кодекси». –Тошкент: Шарқ, 1998. – 15 б.
- 1.3. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. –Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 17 б.
- 1.4. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Қонуни. -Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 8 б.
- 1.5. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида» ги Қонуни. (янги таҳрир). -Тошкент: Адолат, 1998. –7 б.
- 1.6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Иш билан таъминлашга кўмаклашиш Республика жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори. –Тошкент: 1992. 31 декабрь, 606-сон.
- 1.7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “ Ишчи кучини олиб кириш ва олиб чиқишни тартибга солиш ҳақида” ги Қарори. –Тошкент: 1993. 353- сон.
- 1.8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ”Вақтинчалик, бир марталик иш билан таъминлаш марказларини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори. –Тошкент: 2001. 18 май, 223-сон.
- 1.9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ”Аҳолини иш билан таъминланганлигини ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори. –Тошкент: 2002. 31 январь, 42-сон.
- 1.10. Иш ўринлари ҳисобини юритиш ва балансини тузиш Методикаси. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан 2002 йил 22 февралда тасдиқланган.
- 1.11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони. –Тошкент: 2006 йил 5 январь, ПФ-3706-сон.
- 1.12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ”Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид кўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. –Тошкент: 2007. 19 март, ПФ-3864-сон.
- 1.13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолини иш билан бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора- тадбирлари тўғрисида”ги қарори. – Тошкент: 2007. 6 апрель, ПК-616- сон.
- 1.14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элларга кетаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳисобга олишни такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори. – Тошкент: 2007. 15 май, 97- сон.

- 1.15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ишга жойлаштиришга муҳтож меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини ҳисобга олиш методикасини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори. –Тошкент: 2007. 24 май, 106- сон.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари ва нутқлари

- 2.1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. –Т.: “Ўзбекистон”, 2000. –57 б.
- 2.2. Каримов И.А. Мавжуд имконият ва ресурслардан оқилона фойдаланиш-тараққиёт омили. –Т.: “Ўзбекистон”, 2004. -27 б.
- 2.3. Каримов И.А. Ўзбекистон-демократик тараққиётнинг янги босқичида. –Т.: “Ўзбекистон”, 2005. -70 б.
- 2.4. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. –Т.: “Ўзбекистон”, 2005, -25 б.
- 2.5. Каримов И.А. Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлида янада изчил ҳаракат қилиш, учун фаровон турмуш шароити яратиш-асосий вазифамиздир. –Т.: “Ўзбекистон”, 2007.
- 2.6. Каримов И.А. Асосий мақсадимиз- юртимизда эркин ва обод,фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттиришдир. // –Т.: Халқ сўзи, 2007. 8 декабрь.-1-3 б.
- 2.7. Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш- барча ислоҳот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. // –Т.: Халқ сўзи, 2008. 9 февраль.-1-2 б.
- 2.8. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А. Каримов. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2009. -56б.
- 2.9. Каримов И.А. 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил ВАТАНИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРАДИГАН ЙИЛ БЎЛАДИ” маърузасидан. “Халқ сўзи” – 2012 й. январь.

III. Асосий адабиётлар

- 3.1. Абдурахмонов
Қ.Х., Абдуллаев А.М, Дадабоев Ш.Х. Региональная экономика и управление. –Т.: Фан ва технология, 2007. -53 б.

- 3.2. Абдурахмонов
Қ.Х. “Меҳнат иқтисодиёти” Дарслик. -Т.: 2009.
- 3.3. Абдурахмонов
Қ.Х., Холмўминов Ш.Р., Зокирова Н.Қ., “Персонални бошқариш” Дарслик. -
Т.: 2008
- 3.4. Экономика и
социология труда. Учесбник. Под ред. А.Я.Кибанова. — М.: Инфра-М, 2007.
43-ст.
- 3.5. Экономика труда
(социально-трудовые отношения). Под. Ред.Н.А.Волгина, Ю.Г.Одегов. – М.:
«Экзамен», 2004, 132-ст
- 3.6. Генкин Б.М
Экономика и социология труда. Учебник для вузов. —М.: Норма, 2006,
81-ст.
- 3.7. Рынок труда:
Учебник / Под общ. ред. В.С.Буланова, Н.А.Волгина. - М.: ЭКЗАМЕН, 2008.
- 3.8. Сбытова Л.С.
Структура занятости и эффективность производства. - М.: Наука, 2007
- 3.9. Грунин М.
Каждый россиянин сможет получить работу // Обзор рынка труда.-Москва,
2007.- №7. С 24.
- 3.10. Мамараҳимов Б.
Ишчи кучи бозорида талаб ва таклиф ҳамда уни мувозанатлаштириш
йўллари // “Иқтисодиёт ва таълим” журнали 2008 йил 3-сон. Тошкент: ТДИУ,
- 165 б.
- 3.11. Меҳнат
ресурсларини баҳолаш мавзусида маъруза. // “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги”
журнали. №2 сон. 2004й. 33-бет.
- 3.12. Ниёзматов Б,
Собиров У. Иқтисодий кўрсаткичлар ошиши //Ўзбекистон иқтисодий
ахборотномаси. –Т., 2006. № 3-4,-42 б.
- 3.13. Тоғаев Б. Ишчи
кучи бозори; ички ва ташқи имкониятлар / Халқ сўзи, -Т, 2005. 31 март №
62(3607)
- 3.14. Хасанов А. Иш
билан бандлик муаммоси // Ж. Жамият ва бошқарув 2001. № 1, -Б.27.
- 3.15. Шоюсупова Н.
Замонавий меҳнат бозори фаолияти ва тартибга солишнинг иқтисодий

механизми // Журнал. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси 2007, № 10-11. – Б.44.

- 3.16. Умурзоқов Б.Х.,
Рахимов Н.Х. Меҳнат муносабатлари ва менежмент. -Т.: Ўзбекистон, 2005.
- 3.17. Шодмонов
Ш.Ш.,Гофуров У.В. Иқтисодиёт назарияси. -Т.: ТДИУ, 2007.
- 3.18. Бобоназарова Ж., Муҳаммедова О. Ишсизлик даражаси ва уни камайитириш тадбирлари // Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш муаммолари: Респ. илм.амал. конф. матер. –Тошкент: 2000 й –Б. 59-60.
- 3.19. Исроилова Д. Меҳнат бозорининг давлат томонидан бошқарилиши ва унинг зарурияти // Иқтисодиётнинг барқарор ва мутаносиб ривожланиш масалалари: Респ. илм. амал. конф. –А.: 2006.
- 3.20. Қурбонов С.П. Меҳнат бозори самарали фаолият кўрсатиши ва иш билан бандликнинг ошиши – ижтимоий-иқтисодий барқарорлик асоси. // Иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш шароитида иқтисодиёт тармоқларини барқарор ривожлантириш: ютуқлар, муаммолар ва ривожланиш истиқболлари. Тезислар тўплами. –Тошкент: 2009. -233б. 102-бет.
- 3.21. Луданик М.В. Трудовой договор как инструмент регулирования социально-трудовых отношений // Тез. докл. респ. науч. конф. «Ломоносовские чтения - 2000», -М.: ТЕИС, 2001.-С.289.
- 3.22. “Меҳнат бозори ва бандлик мониторинги”. Ҳар чораклик статистик бюллетень. 2010 йил учун (4-нашр). Т.: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги. 2011.
- 3.23. Социальное развитие и уровень жизни населения Узбекистана 2009. Статистический сборник. Т.: Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике, 2010.
- 3.24. Андижон вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими маълумотлари. Андижон: 2009-2011.
- 3.25. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари. Тошкент: 2007-2011

IV. Интернет сайтлари

- 4.1. [http:// www.gov.uz](http://www.gov.uz)
- 4.2. [http:// www.qashqadaryogz.uz](http://www.qashqadaryogz.uz)
- 4.3. [http:// www.wto.org](http://www.wto.org)
- 4.4. [http:// www.goldenpages.uz](http://www.goldenpages.uz)